

Дадахон Нурий

# ОКШОМ КУШИҚДАРИ

ЛИРИК ПОВЕСТЬ



Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ  
Тошкент — 1964

· Ёш ёзувчи Дадахон Нурий «Ленин учқуни», «Ёш ленинчи» газеталарида ҳикоялари билан қатнашиб келар эди.

Қўлингиздаги ушбу «Оқшом қўшиқлари» унинг биринчи йирик асари бўлиб, кўп йиллик изланишлардан сўнг дунёга келди.

Бу асарида у санъат аҳллари — композитор, шоир, рассом образларини ва қишлоқ меҳнаткашлари дунёсини тасвирлашга ҳаракат қилган.

Повесть ҳақида фикр ва мулоҳазаларингизни ёзиб юборишингизни сўраймиз.

Ушбу китобни маълум Тожи-  
хон Мирҳожиевнинг ёрқин хо-  
тирасига бағишлайман.

А В Т О Р

## С А Р О Л О Г

— Қуринишдан ўзи ҳам жуда ёшга ўх-  
шайди. Ҳозирги ёшларга ҳайронсан, шундай  
катта ва мушкул темалар танлашадикки, гўё  
унинг мазмунини тўла бўрттириб бериш ки-  
чикроқ замонавий кантата ёки сюитадан ҳам  
осонроқ туюлса керак уларга!

— Мен бир теманинг турли «нағма»га  
солиб, ҳадеб чайналаверишини ёқтирмайман.

— Ҳа, тўғри! Айниқса ҳозирги ёш компо-  
зиторларимиз ичида бу зарарли одат бўлиб  
қолди...

— Асар ниҳоятда чалкаш: бунда элегик,  
комик ва лирик мазмун ҳаммаси аралашиб  
кетган...

— Орадан шунча йиллар ўтибди-ю, ўлган-  
ларни эслаб, янгроқ торларни мунгли йиғ-  
латиб, яна кўз ёши қилишнинг нима ҳожати  
бор эди. Асар сарлавҳасига ҳам унча тушун-  
май турибман... Кейин, замонавийлик қани!..

Бу гап-сўзлар менинг бир неча йиллар  
давомида яратиб, бугун муҳокамага тақдим  
этган каттагина асарим тўғрисида, орада  
эълон қилинган кичкина танаффус вақтида

бўлиб ўтди. Мен албатга, фақат танқидий кўз билан қараб, эркин фикр юритаётган кишиларнинг сўзинигина келтиряпман...

...Хуллас, муҳокама охирида асарим «жуда таъсирчан», «яхши ёзилган» деб топилди. Аммо шу пайт ҳамкасблардан бири шоирларга хос ҳиссиёт билан ном қўйиш музика аса-рида унча аҳамиятли бўлмаслигини гапириб, унинг номини ўзгартиришимни сўраб қолди. Кўплар танқиддан четроқ бўлган бу илтимосни маъқулладилар. Мен ҳам бўш келмадим, чунки асарим номини ўзгартириш-ни асло хоҳламас эдим. Лекин, менинг энг ҳурматли, кекса ўқитувчиларимдан бири бўлган Ольга Семёновнанинг ҳам танқидга хайрихоҳ эканлигини кўриб, ноилож асарга қўядиган ном ҳақида ўйлаб кўришимни айтдим...

Мана бугун учинчи марта телефон жиринглаяпти. Трубкани олдим, яна ўша директори-миз. У ўзининг контрабас овози билан дўриллаганича жиғибийрони чиқиб гапира бошла-ди:

— Ахир менга қаранг, наҳотки тушунма-сангиз, байрам яқинлашмоқда! Програмага асарингизни киритиб қўйганмиз, киритиб! Шу вақтгача номи йўқ. Қачонгача ўйлаб кўра-сиз?!

—... Ўзинглар хоҳлаган ном билан айта-веринглар!— дедим жаҳлим чиқиб нима дейи-шимни билмай.

— Йўқ, йўқ. Хафа бўлманг!.. Биз ўз бил-ганимизча ном қўйиб, сизнинг авторлик ҳу-қуқингизни инкор этолмаймиз. Утиниб сўрай-ман. Яна бир ўйлаб кўринг. Байрамга тўрт кунгина қоляпти! Тўрт кунгина!

Асар номини ўзгартириш мен учун ниҳоятда оғир эди. Чунки менга доим қандайдир илҳом бахш этиб, ажойиб ва осуда хаёлларга толдирган, қайта-қайта музыка торларини чертишга мажбур этган мана шу «Оқшом қўшиқлари»нинг ўзгинаси эмасмиди!.. Асардан бутунлай воз кечишга тайёр эдим-у, лекин номини «ўзгартириш»га келганда, юрагим асло дов бермас эди. Энди нима қилишим керак! Қачонгача қайсарлик қиламан! Кўпчилик мендан ранжиши мумкин. Айниқса Ольга Семёновна!.. Аммо мен барибир уни ўзгартирмаслигим керак!

«Тўрт кунгина қолди», — хаёлимдан ўтказдим...

Ниҳоят ўтириб, қўлимга қалам олдим ва бир вақтлар менда пайдо бўлиб, кейинчалик «тўхтаб қолган» адабий «фаолиятим»ни си-наб кўрмоқчи бўлдим...

Пўлат жуда ҳам камгап, ювош ва бошқаларга нисбатан қандайдир ўзгача характерга эга бўлиб, ўзининг камтарлиги билан кўп студентлардан ажралиб турарди... Одатда болалар уйда ўсиб катта бўлганларнинг камдан-ками содда бўлиши мумкин.

Ўқув йилининг дастлабки кунларида айрим энгилтакроқ студентлар ниҳоятда хаёлчан, оғир, ҳар қандай тортишувларга қўшилиб кетавермайдиган бу «бола»ни орқаворатдан «эгоист», «ёввойи»ликда айбласалар ҳам, унинг парвойи-палагига келмасди. Мен ўзимча, йигит ёшида бўлишига қарамай, унинг юрагида ҳеч қандай бўйдоқлик ўти йўқ, шунинг учун ҳам латофатли қизлар билан мулоқотда бўлиш уни асло қизиқтирмаса керак, деб ўйлардим... Баъзан унинг ҳаётга бундай «қизиқмаслиги» мени ажаблантирар ва кўз ўнгимда у олий ўқув юртининг студенти эмас, балки «тарки дунё» қилган киши бўлиб гавдаланар эди.

Лекин шунга қарамай, нима учундир, унинг ҳеч кимниқига ўхшамайдиган «ёввойи» характери менга ёқиб қолган эди.

Шунинг учун ҳам мен у билан курсдош сифатида яқинроқ танишиб олишга ошиқардим...

Албатта у ўзининг жуда камтарлигига қарамай, бир оз қўрсроқ эди: ортиқча гапларни ёқтиравермаганлиги сабабли, атайин тегажаклик қиладиган айрим студентларга бу қўрслигини ишлатар ва икки-уч кунгача унга қандайдир норозилик кўзи билан қараб юрарди. Айниқса бундай ҳодиса қизлар билан унинг орасида кўпроқ бўлиб турарди. Чунки қизларимиз бу «пулга ҳам гаплашмайдиган» курсдошнинг жиғига тегиш учунми ёки ҳазил қилибми, юракларида борини унга айтишарди: байрам кечаларига, ўз туғилган кунларига таклиф қилишар, ҳатто севги ҳам изҳор қилишар... Лекин нима учундир унинг жаҳли чиқарди, холос.

Орадан кўп ўтмай шаҳар ташқарисидан келган студентларга университет томонидан ётоқ берила бошланди. Кутилмаганда Пўлат иккимизга икки кишилик бир хона тегса бўладими! Шундай қилиб мен у билан бирга тура бошладим ва курсдошимнинг яхшигина рассом эканлигидан хабардор бўлиб қолдим, кейин филологиядан кўра, рассомчиликка кирмаганига афсусланиб қўйдим. Иккимиз бирга дарсларни тайёрлаб бўлардик-да, мен кино ёки танцага жўнардим, у эса расм чизишга ўтирарди... Кечқурун хонага қайтиб келганимда, турли қалам ва бўёқлар билан «олабула» қилиб чизиб ташланган расмларга кўзим тушарди. Уларнинг биронтаси ҳам менга ёқмасди: ярим яланғоч чол, кампирлар, стакан... чойнак... қўйинг-чи, нондан тортиб турли

кийим-кечакларнинг ҳам расми бўларди... Курсдошимнинг ўткир рассомлик таланти кўриниб турса-да, бундай «асарлар»и менинг гашимга тегарди, холос.

Мана, орадан бир йилча ўтяптики, дўстимнинг бирон «кишини ўзига тортадиган» расмидан дарак йўқ. Кечагина иккимиз охириги имтиҳонларни топшириб мен «яхши», у «аъло» билан II курсга ўтдик. Бизлар учун бўш вақтлар бошланди... У жуда хотиржам, яқиндагина бозордан келтирилиб, еб тамомланмай қолган яримта ҳандалак, уч-тўртга олмани сочиқ устига териб қўйиб, расмини чизарди.

Мен анчадан бери санъат масаласида у билан, вақт бўлмаганлигиданми, тортишмай келардим. Бугун, айниқса, ҳозир юрагимда борини унга гапирмоқчи бўлдим. Шкафдан бир китобни олдим-да, ундаги мен ёқтирадиган ғарб рассомларининг гўзал маъбудалар тасвирланган асарларини кўрсатиб:

— Мана, кўрдингми, Пулат! Расм чизсанг мана бундай чизгинда! Бу расмларни кўрган киши гўзалликка бутун борлиғи билан мафтун бўлади. (Мен гўзалларни — ҳаётнинг юксак чўққиси деб билардим.) Бу нима, чойнак... стақан... энди қовун, олма... Э, мана бу Собир ота-ку,— шу пайт кўзойнак тақиб, «Репин»ни ўқиб ўтирган қоровулимиз Собир отанинг расмига кўзим тушди,— жуда яхши... Агар шунинг ўрнига... Гўзал қизларнинг расмини чизганинда борми, сенга чин юракдан ихлос қилиб қолган бўлишарди... Индамай-санам-а! Айт-чи дўстим ростини, нега ҳеч кимни севмайсан. Мана, биринчи курсни ҳам та-



момладинг. Иккинчи курсга ўтдинг. Каттароқ ҳам бўлиб қолдинг. Ёки ҳалигача севишни билмайсанми?— дейишим билан у кулиб аста ўрнидан турди-да, менга қаради ва:

— Бўлди дўстим! Яхши ўртоғим бўлсанг, бу масалада мени тинч қўй. Бошқа ҳақда гаплашайлик... Хўш, энди ёзги каникулни қаерда ўтказмоқчисан?— деди менга савол назари билан қараб.

Яна гапни бошқа ёққа бурди. Истар-истамас жавоб бердим:

— Уйга кетмоқчиман.

— Жуда яхши. Мен бирон қишлоққа бораман. Биласанми, у ерларнинг манзараси гўзал, ажойиб жойлар кўп учрайди-да!

— Қайси қишлоққа? Танишинг борми?!

— Таниш бўлиши шарт эмас. Қишлоқлар кўп, танишлар ҳам чиқиб қолар...

## И б о б

Мен маълум сабабларга кўра, уйга кетолмай, ётоқхонада қолдим. Кўп ўтмай Пўлат ҳам анчагина юк билан саёҳатдан қайтиб келиб қолди. Қичкинагина корзинка ичидаги бир банка асал ва бошқа мева-чевани ҳисобга олмаганда, ҳамма «юк»—чизилган расмлардан иборат эди. Энди уларга баҳо беришдан олдин, хонанинг ҳамма ерига бирма-бир териб чиқдим. Кейин унча ҳам катта ҳажмда бўлмаган полотнога боқар эканман, гўё ўзимни баланд тоғ чўққиларида, азим туп ёнғоқ остидан қайнаб чиқиб харсанглар орасида ҳосил қилган жилға-булоқ бўйларида, узоқда илон изи бўлиб оқаётган дарё соҳиллари-

да, чамандай очилиб ётган лолалар, чучмўмалар орасида юргандек ҳис қилдим: бошларига гулчамбарлар ўраб олиб аста эсаётган кечки тоғ шамолидан тебраниб турган ва қип-қизариб пишган тоғ олчаларини шохчаларидан нозик қўллари билан узиб еяётган қишлоқ қизларининг қувноқ кулгисини, тоғ оқшомининг ўзига хос сокинлиги остида, бутун атрофга таралиб, ёқимли бир нидо билан узоқларга сингиб кетаётган кекса чўпон қўшиғини эшитаётгандай бўлдим.

Мен расмларни кўриб, мамнун бўлаётганлигимни зимдан кузатиб турган Пўлат беихтиёр кулиб қўйди.

Энди хаёлимда Пўлатнинг бу расмлари олдида, ғарб рассомларининг анъаналарга бой ҳар қандай машҳур асарлари ҳам, ниҳоятда ожиз бир полотнодай бўлиб қолди. Мен уни табриклар, беихтиёр елкасидан қучдим ва шу пайт икки кунгина олдин унинг номига келган бир хат эсимга тушиб қолди. Стол тортмасидан олиб:

— Яхши расмларинг учун сенга совға!— дедим.

У конвертни очиб хатни ўқий бошлади.

— Нима экан?— деб, унга яқинроқ келиб машинкада бир парча махсус редакция қозига ёзилган қуйидаги хатга кўзим тушди:

«Ҳурматли шоир Пўлатжон! Янги асарларингиз билан газетамизда тез-тез қатнашиб турсангиз, чунки газетхонларимиз шеърларингиздан мамнун бўлаётганларини ёзишмоқда.

Ҳурмат билан:

Редактор».

— Шоир Пўлат! Наҳот бу хат сенга бўлса?! — савол назари билан унга қарадим.

Пўлат менга яна бир жилмайиб қарадида:

— Ҳа, менга,— деб қўйди.

Мен ишонмагандай яна конвертга қарадим. «Студент Пўлат Жалиловга — (шоир Пўлатга)», — деб ёзиб қўйилган эди. Шунда конверт устига олдин унча эътибор билан қарамаганлигимни эсладим.

Мен ёш шоир Пўлат шеърларини кўп ўқиганман. Ҳатто ёдлаб ҳам олган эдим. Айниқса унинг лирик шеърлари менга жуда ёқарди.

Унга яна ишонмагандай:

— Наҳотки сен шоир Пўлат? — дедим.

— Ҳа, мен деяпман-ку.

— Юрагингга қойилман-э! Ажабо шунча вақтдан бери айтмабсан ҳам. Хаёл суришингда гап кўп экан-да. Расмларни-ку қотириб юборибсан. Шеърларинг ҳам миҳдай! Мен газета ходимларининг шоирдан шеър илтимос қилишганини энди биринчи марта кўряпман. Леонардо да Винчининг ўзисан-ку, — аммо шуни ҳам яхши тушунардимки, у бундай гапларни ортиқча муболаға деб биларва бу муболағаларга унча эътибор бермасликка ҳаракат қиларди. Ҳозир ҳам шу маънода:

— Сен ҳаддан ошириб юборасан, мен шунчаки қизиқаман, холос,— деб қўйди.

Кечқурун бирга кинога бордик. У йўл-йўлакай йигирма кунлик вақтни тоғлар орасидаги бир водийда ўтказгани ва содир бўлган ажойиб воқеалар ҳақида қисқача гапириб

берди. У ҳамма кўрганларини умумлаштириб бир «нарса» ёзмоқчи эканлигини ҳам айтди.

Пўлат жуда хурсанд эди. Курсдошларим унга илгарилари «Қайсариддин» деб лақаб қўйишган бўлса, энди бу лақаб унга мос келмай қолган эди. У трамвайда кета туриб, бир чолни кўриб қолди-да, мени аста ўша томонга имлаб, оҳиста:

— Худди Собир отанинг ўзи-я. Кишилар кўплари бир-бирига ўхшайди, қани энди Лермонтовга ўхшаш бирон киши ҳам топилиб қўя қолса...— деб қўйди.

У Лермонтов асарларини жуда севиб ўқир ва шоирнинг ўлими ҳақида «Фарёд чекаётган Муза» номли бир картина яратиш орзусида эканлигини анчадан бери менга айтиб юрарди. Мен ҳам ундан гўзал Муза тасвирланган асарни кутардим...

Кечқурун барвақтроқ қайтиб келган бўлсак ҳам, мен бир оз чарчаганлигим учунми, тезда кўрпага ўралдим. Эрталаб қуёш тиф урмаёқ, ташқарида кимларнингдир ранжиб гапираётган қаттиқ-қаттиқ овози мени уйғотиб юборди. Мен бу каллаи саҳардан бошланган суҳбатга унча эътибор ҳам бермай, бошимни кўтардим-у, хонанинг ўртасига ўрнатилган катта полотнодаги гўзал бир қизнинг бутун борлиги билан қўшиқ куйлаб, менга шўх ишвали боқаётганини кўриб, сакраб ўрнимдан туриб кетдим. У фақат менга қараб куйларди. Оёқлари остидаги кечки нозик еллар елпиб турган тоғ гулларига ҳам, чексиз осмон қўйнида қора, оқ, сарғимтил ва шафақ булутлари кашф қилган қўрқинчли, аммо кишини беихтиёр ўзига жалб этадиган манза-

рага ҳам, узоқдаги эндигина туман қоплаб олган дарё соҳилларига ҳам қарамасди. Фақат менга қараб куйларди. Расм шундай жонли ва аниқ ишланган эдики, гўё ҳозирнинг ўзида чақноқи кўзлар ҳаракатланади ва нозик лаблардан ажойиб қўшиқ садоси эшитилади!.. Дарвоқе Леонардо да Винчи айтгандай, бундай гўзал ва аниқ инсоний мимикани тасвирий санъатда фақат шоир-рассомгина ифодалай олиши мумкин эди, холос... Расм остига каттароқ ҳарфлар билан «ОҚШОМ ҚУШИҚЛАРИ», ундан пастроққа эса бир банд шеър ёзиб қўйилган эди. Буларнинг ҳаммаси, фақат шу кечанинг ўзида, ҳозир ҳам кундаги одати бўйича эрталаб туриб олиб, ҳовлини аста айланиб юрган Пўлат қўли билан ишлангани шубҳасиз. Ҳарфлардаги қизнинг дўндиқ сийнасидаги ва нозик лабларидаги бўёқлар ҳали қуриб битмаган; улар хонага ёқимли муаттар ҳид таратиб турарди. Шеърни бир ўқиб чиқдим:

«Мен сени кутаман кеч тунги шабнам  
Сувлари борлиқни ювган ҳар маҳал.  
Қалбингнинг ғуборин нима юволган?  
Менга шод боқасан доим эй, гўзал!»

Кейин... ўзим музикага эски ихлосмандлардан бўлганим учун, қўлимга рубобни олиб, бу гўзал куйлаётган сирли шеър куйини энди қидира бошлаган эдимки, Пўлат кириб келиб қолди. У қовоғи солиқ, қўлида мўйқаламини маҳкам ушлаган, кечаси билан ухламабди шекилли, кўзлари қизариб кетган эди. Кўринишдан кечаги қалин лабларини аста қимтиб маънодор, ўзига хос кулишларидан

ному нишон ҳам қолмаган эди. Мен ҳар кунги одатим бўйича «салом!» деб қўйдим-да, ҳеч нимани билмагандай музикани бошқа куйга буриб юбордим.

У менга яқинроқ келиб, қўлимдан рубобни олди ва:

— Кечирасан! Музикангни энди кейинроқ чаларсан!— деди қатъий.

Ҳайрон бўлдим. Пўлат менга ҳеч қачон бундай қаршилик кўрсатмаган эди. Бўш вақтларда у ҳам ўз иши билан, мен ҳам ўз ишим— музика билан шуғулланар, «Минор, Диез, Тон-тон полу тон»ларни, рубобдаги «октава»ларни қайтариб чалавериб, ўзим зеркиб кетган чоғда ҳам, у «халақит беряпсан», — деб менинг бу «санъатим»га бирон марта қаршилик кўрсатмаган эди...

— Уруш бошланибди!

— Уруш?! — мен сапчиб ўрнимдан турдим...

### III б о б

У энди кечалари аввалгиларгидан ҳам жуда оз ухлайдиган бўлиб қолди. Нималарнидир ёзар, нималарнидир чизар эди. Унинг шу давр ичида фашизмга қарши ёзилган бир қанча шеърлари матбуотда босилиб чиқди.

Компартиянинг Бутуниттифоқ радиоси орқали қилган чақириғига биноан, ёшлар армияга сафарбар қилина бошланди. Деярли бизнинг группа йигитларининг ҳаммаси кўнгиллилар қатори армияга кетдилар. Улар ичида курсдошим Пўлат ҳам бор эди. Менинг юрак касалим борлиги сабабли улар билан кетишга доктор рухсат бермади.

Пўлат кетиш олдида ҳамма чизган расмларини (улар ичида «Оқшом қўшиқлари» ҳам бор эди), керакли ёзув дафтарларини ишончли дўсти сифатида менга қолдирди.

Кечга яқин дўстлар билан Пўлатни кузатиб қўйгани станцияга чиқдим. Маълум сабабларга кўра поезд бир соатга кечиктирилди. Биз иккимиз шу қисқа вақт ичида бир-биримизга шундай яқин, шундай иноқ бўлиб қолдикки, бутун бир йил давомида ҳам бирга яшаб, бунчалик очиқ суҳбатлашмаган эдик. Унинг ҳеч кими йўқ, яккаю ёлғиз, отасини эса босмачилар ўлдиргандан сўнг, болалар уйида тарбияланиб ўсган экан.

Вагонлар ёнгинамизга қелиб тўхтади. Мен уни вагонгача кузатиб, дўстлар билан бирга ўтқаздим. Ҳуштак чалинди... Гўё ўз туғишган укамни армияга жўнатаётгандай юрагим жиз эгиб кетди.

Орадан икки ойча ўтди: Мен шу давр ичида дарсларимиз тўхтаб қолганлиги сабабли, музыка билим юртига ўқишга кириб кетдим. Шу билан Пўлатдан тез-тез хат ола бошладим ва унга ўз вақтида жавоб ёзиб турдим.

Октябрь охирларида ундан бир хат келди. Хат қандайдир аёл кишининг қўли билан ёзилган эди. Таажжубланиб ўқий бошладим:

«Ҳурматли акам!

Мен бу хатни ўз қўлим билан ёзмадим, балки, ҳамширага ёздириб юборяпман.

...Яқинда бўлган бир жангда бизнинг полк ўз позициясини ташлаб, вақтинча чекинишга мажбур бўлди. Мен шу жангда снаряд парчаси тегиб яраландим. Кўзим кўрмайди. Қўлим

қаерда билмәйман. Докторларнинг айтишларига қараганда, икки қўлим бутунлай ишдан чиққан. Балки бу хатим охиргисидир. Лекин ғалабани эшитиб ўлсам, беҳад хурсанд бўлардим.

Сиздан бир илтимос. «Оқшом қўшиқлари»ни ниҳоятда эҳтиёт қилиб сақланг! У мен учун қандай қимматли эканлигини билганингизда эди... мен «Оқшом қўшиқлари»ни давом этдирмоқчи эдим. Кейин у биз куйлаган «Оқшом қўшиқлари»ни ҳамма эшитишини хоҳлардим! Лекин менинг бунга қодир эмаслигим аён...

Салом билан Пўлат».

Хатни қандай ўқиб тамомлаганимни билмайман... Деворда осиглиқ турган «Оқшом қўшиқлари»ни куйлаётган қиз расмига узоқ қараб қолдим. Борлигимни ғам аралаш, қандайдир изтироб қоплаб ола бошлади. «Шундай нафис асарни яратган у қўллар энди нима бўлди. Наҳотки уни тузатиб бўлмаса?!» Шундай ўйлар билан юрагим орзиқиб кетди... Хатни яна қўлимга олиб ўқий бошладим... «Оқшом қўшиқлари»ни ниҳоятда эҳтиёт қилиб сақланг!..» Мен девордан расмни олдим, докага ўраб шкафга солиб қўйдим ва шу куниеқ Пўлатга жавоб ёздим. Унда, инсон учун ҳаёт қандай қимматли эканлиги ва ҳаёт учун ҳар қанча қийинчиликларни енгиб бўлса ҳам, курашмоқ кераклигини ёзиб, Николай Островскийдан мисоллар келтирдим. Умидсизлик билан ёздирган хатини қораладим...

Кунлардан бир кун, Пўлатнинг дафтар-китоблари ичида кўк муқовали, устига босма



ҳарфлар билан «Оқшом қўшиқлари» деб ёзиб қўйилган бир дафтарини кўриб қолдим. У тўла ёзилган эди, дафтарни аста варақлаб ўқий бошладим.

#### IV боб

«Автобус уч соатча юргандан сўнг, ёшгина кондуктор менга бир кулиб қаради, бундай ўйласам кўзим сузилиб уйқуга кетаётган эканман:

— Йигитча, яна ухлаб қолманг, эндиги остановка охиргиси бўлади,— деб қўйди.

Шундан сўнг шошиб, тушиш тараддудида қалин чанг ўтириб қолган ёнимдаги этюдникни дастрўмолим билан арта бошладим.

Аmmo кондуктор ҳам анча маҳмадонароқ экан шекилли, яна мен томон қараб:

— Аввал юзингизни, бўйинларингизни артсангизчи яхши йигит,— дея сўз қотди.

Юзимни бир сидириб артишимдаёқ, оппоқ дастрўмолда сарғимтил лой изи қолди. Мендан кўз узмай қараб турган кондуктор овозининг борича кулиб юборди. Узун панжа излари қолган ўз юзимни шофер қаршисидаги ойнада кўриб, мен ҳам кулиб юбордим...

Бундан бир соатча олдин одам билан лиқ тўла автобус энди анча бўшаб қолган бўлиб, мени ҳисобга олмаганда, олтита пассажир қолган, жар ёқалаб кетган кичкина йўл бўйлаб машина тез юриб борар, орқада эса бутун осмонни тутиб кетгудек чанг тўзони қолдирарди.

Манзилга етиб келгунимизча, шофердан тортиб кондукторгача ҳаммамиз тегирмондан

чиққан кишидек оппоқ чангга беланиб кетган эдик.

Машина катта ялангликни айланиб, ариқ лабидаги чойхона олдида тўхтади. Ундан ҳалиги пассажирлар ҳам, яктаклари устидан кун иссиқ бўлишига қарамай кийиб олишган узун, юпқагина оқ нимчаларининг барига ўтириб қолган чангларни қоқа-қоқа пастга тушишди ва ариқ лабига келиб юз-қўлларини юва бошлашди. Мен ҳам уч-тўрт қадамча нарироққа бордим ва кийимларни аввал яхшилаб қоқиб, кейин ювиндим-да, дастрўмол билан юзимни артдим.

У кишиларнинг эса, ниҳоятда секин нималар ҳақидадир гапиришиб, бемалоллик билан ювинишаётганликларини кўриб, «узоққа боришмаса керак» деб қўйдим ичимда...

Лекин шундай бўлса ҳам яна қайтадан юзимни, бўйинларимни ювган киши бўлиб, уларнинг тезроқ бўлишларини, агар мен борадиган томонга кетишса, бирга гаплашиб зерикмай кетамиз деб кутиб турардим.

Аммо шу пайт пассажирлардан ёшроғи — қоп-қора соқолли киши менга яқин келди-да, ҳўл дастрўмолга артинаётганимни кўриб:

— Мана бунга артининг, йигитча! Қишлоғимиз йўли шунақароқ! Шаҳарга бориб келгунимизча икки марта ювинмасак ё икки марта ҳаммомга тушмасак бўлмайди,— деди кулиб.

Мен ташаккур айтиб белбоғни қўлимга олдим ва ийманибгина артинаётганимни кўриб, белбоғ эгаси яна:

— Бемалол артинаверинг, белбоғ топ-тоза,

ука!— деди-да, гапининг охирига,— қаерга кетяпсиз?— деб қўшиб қўйди.

Белбоғ билан юзимни артарканман:

— Тоғли қишлоққа,— дедим.

— Музыка ҳам чаласизми, дейман ўғлим! Ҳойнаҳой бу ҳалиги янги чиққан чангдан бўлса керак,— деб гапга аралашди олтмиш ёшлар чамасидаги, юзлари офтобдан қоп-қорайиб кетган чол, теракка суёғлик турган этюдникни кўрсатиб.

— Йўқ, бу расм ишланадиган асбоб — оти «этюдник», ота,— деб жавоб бердим унга кулиб.

Чол «ҳа...» дегандай бош қимирлатиб қўйди-да, аввал соқолини силаб этюдникка таажжуб билан қараб турган ёнидаги кишига:

— Ҳукумат ҳар турли нарсаларни чиқара-вераркан! Уларнинг ҳар биттасига ўзига яраша от топиб қўявераркан. «Пригомний» дейсизми, «тулпон» дейсизми... Энди биз қариялар қаердан ҳам билайлик, ўғлим,— деб сўзининг охирида менга кулиб қараб қўйди.

Гапимиз унча узоққа чўзилмади. Улар мени тоғли қишлоққа олиб борадиган йўлга солиб қўйишди, ўзлари халта-хулталарини елкага олиб, чойхонада ўтирган гавжум кишилар билан қуюқ «салом-алик» қилишди-да, ариқ бўйлаб кетган йўлдан ўз қишлоқларига йўл олишди.

Бахтга қарши тоғли қишлоққа борадиган бирон ҳамроҳ ҳам топилмади... Шунинг учун ёлғиз ўзим йўлга тушдим.

Йўлнинг тўғри қишлоққа олиб боришини билардим. Аммо унинг қанча масофалигидан хабарим йўқ эди. Тоғлар ёнбағридан узоқ-

узоқларга чўзилиб кетган бу йўлдан ёлғиз юриш ниҳоятда завқли, шунинг билан кўрқинчли ҳам эди: гўё юқоридан йўл устига ёнбошлаб осилиб ётган баҳайбат харсанглар ҳали замон юмалаб тушадигандай, онда-сонда учраб қоладиган булоқ сувларидан баҳраманд бўлиб, кичик бир ўрмонча ташкил қилган чакалакзорлар ичидан йиртқич тоғ ҳайвонлари югуриб чиқаётгандай эди...

Бу йўл менга Қавказ йўлларини эслатади. Бу ердан эндигина Пушкин, Лермонтовлар сайр қилиб ўтишган, ҳали уларнинг оёқ излари устига дайди еллар тупроқ гардини сепганича йўқ... Мана бу катта тошлоқ майдончада Лермонтов қотил ўқидан жон берган. Ҳуқорли тоғлар устида чойшаб ёзиб юрган булутлар орасидан эндигина етиб келган маъбуда Муза<sup>1</sup> шоирнинг қуйи тушган боши устида маъюс йиғламоқда... Менинг бу хаёлларимни йўл чангитиб ўтиб қолган «Полуторка» бўлиб юборди. Уни тўхтатмоқчи бўлиб, орқасидан қичқириб югурдим, шофер эшитмади шекилли, машина кетиб қолди.

Мен бир қанча жойларда яхши пейзажларни чизмоқчи бўлиб, мўйқалагимни қўлимга олдим, лекин ёлғизликданми, тўхтаб бирон нима чизишга ҳеч қўлим бормасди. Тўғрироғи тезроқ қишлоққа етиб олишни ўйлардим, чунки кеч кириб бормоқда эди. Қуёш ғарбга томон қанча ёнбошлаган сари, ҳаво ҳам шунча димиқиб борарди. Йўл четларидаги тикан ўтлар баргларини шилдиратиб, иссиқ шамол

---

<sup>1</sup> М у з а — Шоирларга илҳом бахш этувчи афсонавий поэзия худоси.

эсарди. Ҳамма ёқ жимжит. Узоқларда кимсасиз тоғ этаклари қуёш нурида ловиллаб ёнаётгандай жимирилди, кўзни қамаштирарди. Йўл юравериб жуда чанқадим. Йўлнинг унча олис бўлмаган чап томонига бурилиб кетган муюлишда кўриниб турган дарахтлар у ерда сув борлигидан дарак бериб турарди. Чамаси ярим соатлардан сўнг у ерга етиб бордим. Ҳақиқатан ҳам бу ерда сув бор бўлиб, катта ёнғоқ остидан тип-тиниқ булоқ отилиб турарди. Дид билан ётқизилган харсанглар булоққа бошқача ҳусн бериб турарди.

Шу пайт булоқ суви устида бир қанча қипқизил олма қалқиб турганини кўрдим. Ҳайрон бўлиб атрофга қарадим, ҳеч ким йўқ. Шундай кун иссиғида ким ҳам бўларди. Биронта йўловчи «мендан кейингилар ҳам еб ҳордиқ чиқарсин», — деб ташлаб кетгандир дедим-да, олмалардан бирига энди қўл чўзган эдим, сув ўртасига нимадир «шалоп» этиб тушди. Кийимларим шалаббо бўлди. Олмани ҳам қўйдим-да, яна атрофни кўздан кечира бошладим. Ҳеч ким йўқ... ўн қадамча нарида бир така арқонидаги темир қозиқни судраганича, мен томонга «жаҳл» билан келарди. Шошиб, нима қилишимни билмай қолдим. (Узим сузадиган қўй, эчки, бузоқ каби ҳайвонлардан ниҳоятда қўрқар эдим), қочиб қутулиш қийин эди. Унча ўйланиб ўтирмай, бесўнақай танасининг катталигидан чиқишга жуда ҳам қулай бўлиб қолган ёнғоққа тирмашдим. Бу «тадбир»дан «ғазабланган» эчки, соқолини силкитиб, менинг орқамдан чиқмоққа бир оз уриниб кўрди, бўлмади. Кейин аламини харсанг устидаги этюдникдан олмоқчи бўлиб, уни шоҳи билан

сувга тушириб юборишга сал қолди. Мен овозимнинг борича эчки эгасини чақира бошладим. Лекин ҳеч ким жавоб бермасди. Фақат аҳён-аҳёнда қаердандир оҳиста кулги овози эшитилиб қоларди, холос.

Узоқда тоғ чўққиларидаги қип-қизил шафақ ҳали қуёш ботмаганлигидан дарак берса ҳам, тоғлар ўртасидаги бу кичкина водийга ғира-шира қоронғи оралай бошлаган эди. Шу пайт бир қизнинг ёнғоқ устидан куйлаган ёқимли овози эшитила бошлади ва дам-бадам қуриган ёнғоқ шохлари ерга туша бошлади. Ёнғоқ шундай катта эдики, ҳатто куйлаётган қиз унинг қайси шохида юрибди, билиб ҳам бўлмасди. Эчки бўлса, тушаётган шохлардан қочиб, ёнғоқ тагига яқинроқ келиб олди.

Менинг бутун борлигимни шу азим ёнғоқ устидан жаранглаб, ҳозир кечки туман қоплаётган тоғ этаклари, момикдай булутларга бош қўйган қорли чўққилар бўйлаб таралаётган номаълум қизнинг мана шу дилрабо куйи маҳв этган эди. Қиз қайси шохда юриб куйла-япти, уни кўрмасдим. Фақат ёқимли қўшиғини эшитардим, холос. У куйларди:

«Мен сени кутаман ярим тун шабнам  
Сувлари борлиқни ювган ҳар маҳал.  
Жавоб бер, йўловчи йигит, нега ҳам  
Сен танҳо юрасан йўлда бемаҳал!»

Йўл устидаги ўтин бир ғарамга етди. Ниҳоят қиз кўриниб, аста пастга туша бошлади. У мени кўриб кўрмагандай мен турган шохдан тушиб келарди. Қиз бир оз яқинлашай деб қолганда, унга қараб:

— Ҳой қизча!— дедим. Уятчанлигимни энди билдим. У билан нима деб гаплашишни

ҳам билмасдим. У овозимни эшитмагандай, бошқа бир куйни аста ҳиргойи қилиб тушиб келарди.

Мен яна бир йўталиб олдим-да:

— Ҳой қиз!— дедим. У менга ҳайрон бўлгандай бир зум қараб қолди ва чап қўли билан кўйлагининг тугмасини сола туриб, бир жозибадор қараш қилди. Мен ҳам кутилмаган, эртақлардагидай соҳибжамол париларни эслатувчи бу қиздан кўз узмай қараб турардим. Гўё у мени бутунлай сеҳрлаб қўйгандай эди. Аммо ўзимни йўқотмасликка ҳаракат қилиб, яна нимадир гапирмоқчи бўлиб, энди оғиз жуфтлаган ҳам эдимки, у:

— Қизиқ, ҳали қўшиқларимни эшитиб олдингизми?— деди.

— Ҳа, ҳа... Биласизми сиз жуда яхши ашула айтар экансиз. Овозингиз худди артистларнинг овозидай, агарда биронта музикачи — композитор киши эшитиб қолса, сизни бу ердан олиб кетарди...

— Олиб кетарди! Олиб кетиб бўпти,— у ўзи каттагина бўлса ҳам, нима учундир худди мени масхара қилаётгандайми, ёш болаларга хос оҳанг ва уларнинг «оддий тили»да гапирарди,— қишлоққа бормоқчимисиз?!

Мен «ҳа» дегандай бош қимирлатдим.

— Яқич қолди. Тўрт-беш чақиримча. Шаҳарлик эканлигингиз билиниб турибди. Шаҳарликлар у ерга эрталаб кун чиққунча етиб олишади... Ростдан ҳам қўшиғимни эшитиш учун бу ерга чиқиб олдингизми?— у бирдан бошларини чимириб, савол пазари билан қаради.

— Йўқ,— дедим ва пастда соқолини сил-

китиб, бизга қараб турган эчкини кўрсатдим. Қиз қаттиқ кулиб юборди. Унинг бу кулгиси шундай ёқимли, шундай жарангдор эдики, худди чертиб юборилган нозик бир торнинг ёқимли овозини эслатарди.

— Хўп бўлмаса. Шундоқ туринг, ўтиб олай,— у қўлимдан ушлаб, энди ўтмоқчи эди, бир оёғи тойиб кетди. Шу пайт вақтни қўлдан бермай бир қўлим билан уни маҳкам қучоқлаб ушлаб қолдим. Агар ҳушёрлик қилиб қолмаганимда, қиз ерга йиқилиб тушиши турган гап эди.

Аввал у қучоғимда туриб, менга бир хўмрайиб қараб қўйди-да, кейин кулимсираб миннатдорчилик изҳор қилди ва пастга тушиб, эчкини нарироққа боғлади:

— Ҳамма айб мана шунда. У қозигини сугуриб кетмаганда...— деди-ю, орқасига бир қараб олиб:

— Манг, енг! «Қутқариб қолганлигингиз учун!..»— деб булоқда қалқиб турган олмалардан бир нечасини қўлимга тутқазди ва этюдникни кўриб қолиб:

— Бу сизникими?— деб сўради.

— Ҳа, меники.

— Расм ҳам чизасизми?

— Оз-моз. Ҳаваскорман.

Шунда у ўзича:

— Рассомларга ҳам ишониб бўлмайди. Ҳар ёзда бизга жуда кўп меҳмон-рассомлар келишад-ю, ҳеч кимни ҳам расмини ишлаб берай дейишмайди,— деб пичингомиз гап отиб қўйди.

— Мен эса сизнинг расмингизни, майли десангиз, ишлаб беравераман,— дедим.



— Ростданми?

— Албатта, ростдан.

У шохларни бўлак-бўлак қилиб синдириб тахлай бошлади. Унинг қаршилигига қарамай, мен ҳам ёрдамлаша бошладим. Ҳзи гап бошлади:

— Олмалар жуда пишиб кетди. Пичанни ҳам тезроқ ўриб олинмаса, кузга бориб ёмон бўлади. Эртадан шу участкада ишлагани қишлоқдан колхозчилар келишади. Шунинг учун кўпроқ ўтин тайёрладим.

Мен бу сўзни эшитиб, ҳайрон бўлиб қолдим. «Бирга қишлоққа кетарканмиз-да», деб ўйласам, буларнинг уйи шу ердага ўхшаб қолди. Демак, яқин ўртада олмазор ва пичанзор бор экан-да...

Шу чоқ бирдан, булоқ сувлари кичик-кичик жилғалар ҳосил қилиб, пастга қараб оқиб кетаётган ям-яшил дарахтзорлар ичидан кекса бир кишининг овози эшитилиб қолди:

— Муяссар қизим-у, ҳў Муяссар қизим!

Қиз ўша томонга қараб «ҳозир!»— деб қўйди-да, яна ишини давом этдира бошлади.

Демак, қиз бугун шу ерда қоларкан. Тарвузим қўлтиғимдан тушгандай:

— Муяссархон! Менга жавоб беринг, ҳамма ухлаб қолмасдан қишлоққа тезроқ етиб олай,— дедим.

— Вой, вой, бу нима деганингиз! Ҳозир қишлоққа яёв юриб етиб бўладими!.. Ана, айтмабмидим, рассомлар ўзи шунақа бўлишади. Расмдан бирон гап очдингми дарров бир ёққа қочиб қолшга ҳаракат қилишади,— у зарда қилгандай, мендан юзини ўгириб олди.

— Агар сиз рухсат этсангиз,— дедим мен

бир оз дадиллашиб,— отангиз қарши бўлмасалар, мен, албатта, бу ерда тунаб қолишга тайёрман...

— Бўлмаса бундоқ қиламиз,— у менга қараб, бир оз ўйланиб қолди,— мен ўтинларни уйга олиб бориб қўйганимдан сўнг, сиз эшикдан чақириб борасиз. Кеч қолдим. Шаҳарлик йўловчиман дейсиз!

Шундай қилиб, биз келишиб олдик. Мен унга ўтинларни дарахтлар билан қопланган эшиксиз, каттагина ҳовли олдигача элтишиб ҳам қўйдим.

## V б о б

Водийга оромбахш тун парда ёзиб, минг урингани билан кўкда балқиган ойни, чарақлаган юлдузларни яшира олмас эди. Энди бояги булоқ бўйидаги азим туп ёнғоқ устида гўё Муяссарнинг ўрнини эгаллагандай икки булбул тўхтовсиз сайрай бошлади.

Мен келишилган «шартга» мувофиқ, орадан ярим соат ўтар-ўтмас ҳовлига кириб борганимда, қишлоқчасига қурилган каттагина уйнинг очиқ деразасидан таниш бир овозни эшита бошладим:

— ...Мендан, бу ерда биронта тунаб қолдиган жой борми, деб сўради. Йўқ, биз бу ерда турмаймиз, дедим. Кейин у, шу яқин ўртада бирор киши яшаса керак, қидириб кўраман, деб кетди.

Сўнг чолнинг овози эшитилди:

— Қизим-ей, ҳали ҳам ёш болалигинг қолмабди. Ахир нега бу ерни кўрсатмадинг, бошлаб келавермайсанми. Бояқиш энди қаерлар-

ни излаб юраркин? Биласан, қишлоқ анча олис... Йўлдан четроқда турадиган кишиларни шаҳарликлар яхши билишмайди!

— Ҳа, майли! Ўзи ҳам бултургидақа менинг расмимни ишлаб бераман деб, кетиб қолган чолга ўхшаш рассом эди!

— Қизим-ей, кекса бўлса яна ёмон бўпти-да.

— Кекса эмас, ўша чолга ўхшаш — рассом ёш йигит!

— Барибир-да...

Мен энди эшикни бир-икки марта тақиллатган эдим, нарироқда ухлаб ётган «Олапар» бирдан ташланиб қолса бўладими. Ҳеч нимага ҳам қарамай, ўзимни даҳлизга отдим. Ичкарига кимдир кирганини сезган 60—65 ёшлар чамасидаги, бардамгина серсоқол нуроний бир киши шошиб уйдан чиқди-да:

— Ким!— деб қичқирди.

— Кечирасиз. Мен, тоғли қишлоққа шаҳардан келаётган эдим. Кечга қолдим... Уйингизга сўраб кирмоқчи эдим-у... лекин итингиз...

— Ҳа, ҳа, бемалол. Ҳечқиси йўқ. Қизим ҳозиргина бир киши ҳақида гапириб турганди. Балки ўша йўловчи сиз бўлсангиз керак.

— Худди шундай! У кишидан жой сўраган эдим, бу ерда турмаймиз,— дедилар.

— Айбга буюрмайсиз. Қизим сал янглишибди. Марҳамат ичкарига!

Чол жуда очиқ кўнгил, ҳамма нарсани асло тап тортмай шартта-шартта гапираверадиган одам экан. Ярим соат ичида бўрсиқни қандай овлашдан тортиб, асли уйи тоғли қишлоқда эканлиги, бу ерга эрта баҳордан келиб

олиб, кеч кузгача колхоз асалариларини боқши, «ёввойи» бўлса ҳам хонаки олмалардан қолтирмай ҳосил берадиган тоғ этагидаги «Ол-мазор»га боғбонлик қилишигача гапириб берди.

Муяссар ўчоқдаги қозон остига ўт қаларкан, менга ер остидан сездирмай аста кулиб-кулиб қараб қўярди...

Овқатдан сўнг мен чолнинг расмини чизмоқчи бўлдим. Лекин у «гуноҳ бўлиши»дан қўрқиб, ҳеч кўнмади. Охири Муяссарни кўрсатиб:

— Бу ёшларга хос нарса. Мана қизимнинг суратини чизинг, қачондан бери шуни гапирди... Дарвоқе «хуфтон» қазо бўлиб қолай дебди-я!— У жойнамозини олиб, тезгина даҳлизга чиқиб кетди.

Гарчи мен рассомчиликда тўла мутахассисликка эга бўлмасам ҳам, нима учундир Муяссарнинг расмини чиза бошлаганимда, ўзимни жуда катта тажрибага эга бўлган рассомлардай ҳис қила бошладим, бу ҳиссиёт мени шундай қоплаб олган эдики, ҳатто бўёқлар танлашга кетадиган ярим соатлаб вақт ўрнига бир ондагина топила қолган «сирли бўёқлар»нинг қаерда яшириниб ётганини ўзим ҳам сезмай қолардим.

Мен портретларни жуда камдан-кам ишласам-да, лекин узоқ ишлардим. Аммо Муяссарнинг портрети ярим соатлар чамасида жуда ҳам ўзимга ёқарли (одатда чизган расмларининг кўпи ўзимга ёқмасди) даражада тайёр бўлдики, бунга ўзим ҳам ишонмай қолдим.

Расмни жуда ҳам тез, шунинг билан бирга «ниҳоятда нафис» ва «худди ўз аксидай» чизганимдан ҳайратланиб кетган чол, кула-кула бир воқеани сўзлаб берди:

— Бунчалик тез ишлаш ҳам кишига боғлиқ экан-да! Эсимга тушиб кетди: ўтган йил бир расмчи «Турғун тажанг»нинг суратини чизаман деб, ҳали дўппи кийдириб қўядими-ей, ҳали бош яланг қилиб қўядими-ей, қўйинг-чи, бундоқ тур, ундоқ тур, деявериб уч кун деганда битказган эди. Ўша-ўша безиллаб қолган. Расмчи ҳалиги «чиқ» этиб расм оладиган «мошина»сини тўғриласа ҳам қочади...

Биз анчагача гаплашиб ўтирдик. Чолнинг худди менга ўхшаш ёлғиз ўғли бўлиб, у ҳозир «ҳарбий» хизматда эканлигини, кенжа қизи Муяссар эндигина мактабга қатнайдиган бўлганда онасидан ажралиб қолганлигини у дам кулиб, дам хафа бўлиб гапириб ўтирди.

Уйнинг ўртасидаги тўсинга илинган узун симдаги лампа аста хиралана бошлади. Чол уни кўриб қолиб, нарироқда пўстак устида китобга берилиб ўқиб ўтирган қизига:

— Дарвоқе, қизим жойларни тезроқ сол! Меҳмонга қалинроқ... Кеча ёғнинг қолганини қуйгандим. Эртага Фулом келса, чироқ ёғидан озгина олиб қўйгин. Эсингдан чиқмасин, қизим!— у менга бир қаради-да, белбоғи қатидан носқовоқни олаётиб кулиб,— хафа бўлмайсиз-да, меҳмон, қишлоқчилик,— деб борган сари пилиги ичига тушиб кетаётган чироққа қараб қўйди.

Мен даҳлиздаги эскигина темир каравот устида узоқ вақтгача ухлаёлмай ётдим. Нима учундир кўзимга ҳеч уйқу келмасди. Тўғриро-

ги Муяссарнинг сирли нигоҳи мени ўзига бутунлай мафтун қилиб олган эди. Уй ичидан чиқиллаб юраётган девор соатнинг овози-ю, чолнинг барвақт уйқуга кетиб бемалол отаётган хурраги эшитилиб турарди, холос. Қўлимдаги соатга қарадим. Роса икки. Шу пайт кутилмаганда даҳлиз билан уй ўртасидаги эшик очилиб, Муяссарнинг оҳистагина овози эшитилди:

— Шу чоққача ухламадингизми?

— Сиз-чи?!— дедим овозимни пасайтириб-роқ, сал бошимни кўтариб.

— Мен шундай бир ташқарни айланиб келмоқчиман.

— Ёлғиз қўрқмайсизми?!

— Йўқ, милтиқ бор-ку!

Ҳақиқатан ҳам унинг елкасида отасининг қўшоғиз милтиғи осилиб турарди.

— Йўқ, милтиқни бу ерга қўйинг, сиз билан бирга мен чиқаман,— лип этиб ўрнимдан турдим-да, унинг қаршилигига қарамай, елкасидаги милтиқни олиб, эшик ёнидаги қозиққа илиб қўйдим.

Биз ҳовли олдидан сал нарироқдаги узун ишком ва қатор экилган мева дарахтлари остига ўрнатилган юзларча асалари яшиқларини оралаб, кичкинагина ариқ лабига келдик. Ариқча бўйига дид билан ўтқазилган, чамандай очилиб атрофга муаттар ҳид таратиб турган турли-туман гуллар ёрқин ой нурида кўзга равшан ташланиб турарди. Шу чоғ нима учун ташқарига чиққанлигимизни унутиб юборган эдик.

У мени музейлардаги экскурсоводлардек бу ернинг ҳар бир жойи билан таништираркан, албатта «тарихи»дан гап бошларди.

— Мана бу ер,— у ариқ томонни қўли билан кўрсатиб деди,— илгари балчиқ, бақалар сакраб юрган ифлос ариқ эди. Кейин отам билан тозалаганмиз. Энди ҳар йили гул экамиз... мана, бу ерда эса,— у ариқ лабидаги чиройлигина қилиб ишланган супачани кўрсатди,— колхозчилар бу участкада ишлагани келишганда, ҳордиқ чиқаришади. Ҳа, айтганча, бу ерга шаҳардан ҳам меҳмонлар келиб туришади... Ҳу анови бодомзор, наригиси олчазор. Бодом гуллаганда ҳеч кўрганмисиз? Сиз уни бир кўрганингизда эди, қандай чиройли! Асаларилар ғув-ғув этиб, ўша томонга учиб боришади. Олчаларни айтмайсизми, аҳ, қандай яхши! Айниқса жийдазор гулга кирганда! Мен гулларни жуда яхши кўраман. Сиз-чи?— мен ундан кўз узмай «ҳа» ишораси билан бош қимирлатдим,— манг, мана шунинг олинг,— у айна саратон бўлишига қарамай, ҳали ҳам эрта баҳордагидай очилиб турган бир дона атиргулни узиб, менга тутди. Мен гул билан бирга унинг нозик қўлларини кўкрагимга босдим.

— Вой, гулни эзасиз!— У қўлларини шундай бир эпчиллик билан тортиб олиб кулдики, мен ҳам беихтиёр унга қараб кулиб юбордим.

Шу пайт қаердадир сайраётган булбул овози еллар билан тўлқинланиб, сокин тун қўйнида янада барала эшитила бошлади. Мен у томонга қараб бир оз қулоқ солиб турдим-да:

— Эшитяпсизми, қандай ажойиб уларнинг овози! Худди сизнинг овозингизга ўхшайди-я,— деб қўйдим.

Муяссар эътирозомуз:





— Эшитяпман! Аммо улар ҳар куни кеч-қурун нола қилишади. Мен эса қўшиқ куйлайман.

— Лекин улар фақат гул ишқида нола қилишармиш.

— Тўғри, уларга ҳеч ким гул узиб бермайди, ўзлари ҳам дарахтнинг қил учига чиқиб олишади-да.

— Сиз ўзингиз-чи,— деганимда жавоб бермади. Фақат кўзларини жавдиратиб, менга оҳиста кулиб қараб қўйди, холос, сўнгра бирдан ниманидир эслагандай:

— Вой шўрим... Юринг кетамиз. Отам у ерда уйғониб қоладилар. Тошг ҳам отиб қолади!

— Муяссархон,— дедим унга яқинроқ келиб,— мен бу кечанинг янада узунроқ бўлишини хоҳлардим. Илтимос, келинг бир оз гаплашиб ўтирайлик. Қаранг, қандай сўлим, гўзал кеча!

— Ҳа, ниҳоятда гўзал кеча. Мен бундай кечаларда, айниқса ой тўлиб балққан кечаларда сайр қилишни, атрофни айланиб юришни жуда яхши кўраман. Баъзан ёлғиз ўзим бутун тоғларни кезиб чиққим келади,— у эскигина гилам тўшаб қўйилган супачага ўтирди. Мен ҳам ўтирдим. Орага бир зум жимлик чўкди.

— Ҳа, кеча ниҳоятда гўзал,— деб орадаги жимликни бузиб гап бошладим.— Сиз куйлаган қўшиқ бундан ҳам гўзал. Худди ҳозир ҳам қулоғим остида жаранглаб тургандай.. Мен қўшиқ айтишни билмайман. Лекин сизга атаган бир кичик қўшиғим бор.

— Ҳали шоирман ҳам денг!

— Йўқ, шунчаки қизиқаман, холос.

— Эшитишга тайёрман.

Уқидим:

Мен сени кутаман ярим тун шабнам  
Сувлари борлиқни ювган ҳар маҳал.  
Қалбингнинг губорин нима юволган?  
Менга шод боқасан доим эй, гўзал!

Бир зумдаёқ у бу куйни кечаги қўшиқ оҳан-  
гида аста айта бошлади. Қўшиқ айтишдан ас-  
ло саводим бўлмаса-да, мен ҳам беихтиёр ун-  
га жўр бўлиб кетганимни билмай қолибман.  
Қўшиқ тамом бўлгандан кейин, у менга  
қараб:

— Бу қўшиқни сиз фақат менга бағишла-  
дингизми?— деди.

— Ҳа, фақат сизга! Бояги куйлаган қўши-  
қингизга жавоб.

— ... Шаҳарда ҳам қизлар қўшиқ айтишса,  
уларга ҳам жавоб ёзганмисиз?

Мен кулиб юбордим-да:

— Қайдам. Улар сизга ўхшаб дарахт ус-  
тига чиқиб олиб, фақат бир киши олдида  
эмас, жуда кўп кишилар олдида куйлашади.  
Шундай экан, уларга жавоб ёзиш шартми?!

— Ҳа, тўғри. Демак, сиз фақат менга жа-  
воб ёздингизми?

— Ҳа!

— Нима учун?

— Гўзаллигингиз учун!

— Мени-я?— у менга савол назари билан  
бир қаради-ю, қўшиқни такрорлай бошлади.

Мен ҳам яна унга жўр бўлдим. Биз куйла-  
ётган қўшиқ қанча секин бўлмасин, аста эса-  
ётган тоғ ели ўзи билан узоқларга олиб кетиб,  
тун қўйнида жимиб қолган қандайдир нозик  
торларни чертиб ўтаётгандай туюларди.

Мен уни қучмоқчи бўлдим. Лекин у тонг яқинлашганини баҳона қилиб ўрнидан туриб кетди...

Биз аста даҳлиз эшигидан ичкарига кирдик. У уйга кириб жойига ётиб олди. Мен ҳам даҳлиздаги сал қимирлаш билан ғижирлай-верадиган каравотга ниҳоятда секин ҳаракат қилиб, чиқиб олдим-да, кўрпага ўралдим.

## VI боб

Эрталаб мени кимнингдир: «Меҳмон! Меҳмон!» деб чақирган овози уйғотиб юборди. Тепамда кулиб чол турарди ва:

— Хафа бўлмайсиз, ўғлим, нима деб чақиришга ҳам ҳайрон бўлдим. Менинг исми-шарифим Рўзимат. Айримлар «Рўзимат ота» ҳам дейишаверади. Узларининг исмлари?— деб савол назари билан қаради.

Мен аста ўрнимдан қўзғаларканман, исмиمنى айтдим. Рўзимат ота бирдан мижиғланиб кетган кўрпа устидаги бир дона атиргулни кўриб қолди-да, ҳеч ким эшитиб қолмасин дегандай, овозини пастроқ қилиб:

— Буни беркитинг, ўғлим, тезроқ,— деди,— қизим билиб қолса борми, бутун уйни бошига кўтаради. Қиз тушмагурнинг жуда юраги тор, хасис. Қуни кеча шофер Фулом бир гулни узиб балога қолганди... Ҳаммага ҳам шундай. Ҳатто гул деганда раисни ҳам танимаган-да!..

Мен бу «хавфли гул»ни дарров беркитдим.

Чол даҳлизда осифлиқ турган чамбаракдан бир коса қаймоқ оларкан, менинг туриб кетаётганимни кўриб:

— Пўлатжон ўғлим! Етаверсангиз бўларди-ю, чой совиб қоляпти, хафа бўлмайсизда,— деб қўйди.

Мен ўрнимдан турдим-у, тўғри кечаги сўлим супа ёнидаги ариққа ювиниш учун кетдим. Чунки у ер менга анча ёқиб қолган ҳамда у ерга олиб борадиган кичкина йўлка ҳам анча таниш бўлиб қолган эди. Адашмай кетаётганимни кўрган чол орқамдан таажжубланиб қараб қолди. Ариқ бўйида Муяссар бир неча пиёлаларни юиб ўтирарди. У мени кўриши билан мийиғида аста кулиб қўйди-да, юваётган пиеласидан кўзини узмай:

— Қандай ётиб турдингиз?— деди.

— Ярим кечадан бу ёғини ҳисобга олсангиз яхши ухладим, лекин у ёғини ҳам ҳисобга олсангиз жуда ҳам яхши ухладим!— дедим. Бирозгина ўйлаб туриб топган чучмалроқ бу жавобимнинг оғзимдан қандай қилиб чиқиб кетганини ўзим ҳам билмай қолибман.

У энди секингина эмас, балки овози борича кулиб юборди. Мен одатда ҳадеб кулаверадиган кишини жуда ёмон кўрардим, фақат ўзини тута билмаган бемаъни кишиларгина кулади деб ўйлардим. Аммо нима учундир унинг кулгиси менга ёқарди.

— Шунча пиёлани нега ювяпсиз?

— Ие, билмайсизми, айтдим-ку, ҳали замон қишлоқдан колхозчилар келишади. Бу ерда ишлашади.

— Демак, қишлоқнинг ҳамма кишиси бу ерга келса, мен у ёққа бориб нима қилдим?— унга савол назари билан қарадим.

У қошини чимириб:

— Ҳали у ёққа ҳам кетмоқчи эдингизми?!— деди.

Мен:

— Йўқ, йўқ, шунчаки гап-да,— деб ювинишга ўтдим.

Рўзимат отага йўлга тушиш ҳақида ҳеч нима гапирмадим. Саҳардан туриб олиб чой ичиш одатим йўқ эди, лекин отанинг қистови билан «эрталабки насибадан қолма» дегани учун озгина асал билан нон едим ва икки пиёла чой ичдим.

Чол яқиндагина деворга илиб қўйилган қизининг портретига янада узоқ боқди ва кексаларга хос овоз билан салмоқдор қилиб:

— Худди ўзи-я, ўзи!— деб икки, уч марта қайтариб қўйди. Кейин менга қараб,— ўғлим, бу сурат олишни ўргатадиган бирон мактаби борми, ўшанда ўқиганмисиз?— деб савол назари билан қаради.

— Ҳа, унинг мактаби бор, лекин мен унда ўқимаганман. Бўш вақтларда ўзимча чиғиб тураман, холос,— деб жавоб бердим.

Шу чоқ бирдан булоқ томондан машинанинг сигнали эшитилиб қолди. Кўп ўтмай бир қанча кишилар ҳовлига кириб келишди. Биз ташқарига чиқиб уларни кутиб олдик. Рўзимат ота ҳаммани бирма-бир отини айтиб сўрашиб чиқди. Мен ҳам сўрашдим. Эркаклардан кўпларининг соқоллари ўсиб, кўкракларига тушай деб қолган бўлса-да, уларнинг ташқи кўриниши (ёшларга хос гап-сўзлари) йигитликдан дарак бериб турарди.

Аммо 3—4 кексалар ҳам бўш келишмасди. Чамаси 50—60 ёшлардаги бир киши ким-

нингдир ургочи эшагини ҳазиломуз сўзлар билан «сўка бошлади»:

— Уйда қолдирса нима қиларкин ҳаром ўлгурни, чопоннинг барини ҳаром қилишга сал қолди-я!

Унинг сўзини қочирма гаплар билан ёшлар чўзиб кетишди.

Эшакни нарироқдаги сўрига боғлаётган эгаси ҳам бўш келмай ҳаммага бемалол жавоб бериб улгура оларди. Аския шундай қизиб кетган эдики, ҳатто ўзини жуда оғирликка солиб турган, менга баъзан ҳайрон бўлиб қараб-қараб қўяётган, ёғ босиб кетган кийимлари шоферлигидан дарак бериб турган гавдали йигит ҳам бир-икки оғиз гап отиб қўйди.

Шу орада Рўзимат ота «чой совиб қолиши»ни айтиб, ҳаммани ичкарига бошларкан, отанинг кўзи шоферга тушиб:

— Эсингдан чиқмасин! Керосин тамом бўлган. Қоронғида қолмайлик!— деб буйруқнамо хитоб қилиб қўйди.

— Мен кечгача шу ердман. Мана бу таннозларнинг,— у ҳовлига эндигина кириб келган ёш-яланг қиз-жувонларни кўрсатиб, давом этди,— узган олмасини пунктга ташийман. Ачиб колармиш!— деди кўрсаткич бармоғини қилич қилиб, тантанали музика асарлари тамом бўладиган пайтда дирижёрлар усталик билан ишлатадиган ҳаракатга ўхшатиб.— Хўжайин приказ берди,— деб қўшиб қўйди, ёнидан ўтиб кетаётган Муяссарга ғалати бир қараш қилиб.

Ичкарига кирганлар ўтиришни ҳам унутиб, ҳали бўёғи қуримай туриб деворга илиб қўйилган Муяссарнинг расми атрофига тўп-

ланган эдилар. Портрет ҳақида тезда муҳокама ҳам бошланиб кетди.

— Худди ўзи!

— Худди ўзи!

— Чизган кишига ҳам қойилман! Худди ўзини қуйиб қўйибди-я!

— Аммо, битта хатоси бор, ҳа! — Пешонасига гулли қизил белбоғ боғлаб олган ҳалиги эшак эгаси ўз сўзини «ҳа, ҳа» қўшимчаси билан маъқуллаб, бадий сўз усталарига хос нақл билан олдинга ўтиб гап бошлади.— Бу ерда Муяссар «пуф!» деса учиб кетадиган бедаво қизларга ўхшаб кетибди. Ҳа, ҳа! У кетмон чопиб катта бўлган! «Чесний» колхозчи! Тўғрими? Ҳа, ҳа! Колхозчи бўлгандан кейин колхозчилиги билиниб турсин-да, ҳа, ҳа!

Мен бу гандан ўзимга керакли хулоса чиқариб олдим.

Қисқагина вақт ичида, айрим виставкаларга қўйиш учун келтирилган расм асарлари устида узоқдан-узоқ давом этадиган жонга тегар фалсафий фикрлардан холис бўлган бу оддий муҳокама тамом бўлгач, ҳамма дастурхон атрофига ўтира бошлади. Расмга фақат бир киши эшикка суянганича кўз қири билан афтини буруштирган ҳолда қараб турарди. У бояги шофер эди.

Чой устида ҳам колхозчиларнинг асосий гапи расм устида борди. Ивитилган нонни оғзига отаркан, ёнимда кўрпачанинг ярмичасини эгаллаб ўтирган семизгина, чўққи соқол, бояги портретни танқид қилган киши чой қуяётган Рўзимат отага:

— Узумини еб, боғини сўрамадик, уни қайси сураткаш чизганди?— деди.

— Мана бу ўзларингиз билан ўтирган йигитча!— ота бу сўзини баландроқ айтди-да, мени кўрсатди.

Ҳамма менга қандайдир жонланиш билан қарай бошлади; гўё мен улар олдида ниҳоят-да улуғ мартабали бир киши эдим.

Шу пайт чўққи соқол менга аста ер тагидан қараб:

— Жуда ўхшатворибсиз! Отангизга раҳмат,— деб қўйди-да, тузукроқ ўрнашиб ўтириб олди ва анчадан бери кимга айтишини билмай юрган сирини биринчи марта менга очаётгандай, гапини давом этдирди,— энди мендан эшитинг! Бултур ҳам сиз каби бир сураткаш келиб, ҳали дўппи билан, ҳали бош яланг суратимни чизиш учун роса уч кун овора бўлганди, мени ҳам овора қилган эди... Шундай қилиб мен эртасигаёқ «бор-е!» деб унамаган эдим, кейин раисга «ариза» ёзиптими, арз қиптими, ўзим ҳам билмайман, раиснинг ўзи уйимга от чоптириб келди. Яна ноилож офтобда куйиб-пишиб кетмон кўтариб туришга мажбур бўлдим. Расм энди битди деганда, ўзимга бермай олиб кетиб қолса бўладими! Худди ёш йигитларга ўхшаб тушган эканман, ўша суратимга кампиримнинг кўзи оралаб қолган экан, эртасигаёқ бутун колхозчи хотин-қизларга мақтаниб, кетмонни ураверибди. Қўйинг-чи, суратчи расмни бермай олиб кетиб қолганини эшитиб, фиғони фалакка чиқди... Ўша бурама мўйлов бўлиб тушган расмим кампир тушмагурнинг юрагидан уриб қолган экан шекилли, сал мендан ранжиди дегунча, «лапашангсиз, ўзингизнинг расмингизни индамай бериб юбордингиз-а!»—



деб юзимга солади. Энди ўғлим, бизга ҳам битта расм ишлаб бермасангиз бўлмайди.

— Кампирдек ўткир ошпаз бутун қишлоқда йўқ! Сиздан битта расм, ундан қўй ёғи палов!— деб юборди ёнидаги киши.

Мен ўзим яхши рассом бўлмасам ҳам, чолга портретини чизиб беришга ҳаракат қилишимни айтдим.

Бу гапимдан кейин у жуда қувониб кетди. Кечагина ота айтган «Турғун тажанг» шу киши экаклигига менда шубҳа қолмади. Унинг отига «тажанг» сўзини қўшиб айтишса-да, бироқ у кишида ҳеч қандай тажангликдан асар ҳам кўринмас эди. Турғун ота ўз гапи билан бир лаҳзадаёқ ҳаммани ўзига қаратиб ола оладиган, сўзамол-дилкаш кишилар тоифасидан эди. Мен бундай кишилар билан ҳамсуҳбат бўлишни кўпдан бери орзу қилиб юрардим. Шунинг учун узоққа чўзилган нонушта тамом бўлгунча мен бу киши билан суҳбатлашиб ўтирдим. У менга қишлоқ ҳақида ва унинг оқсоқоли Рўзимат ота ҳақида ҳам анча гапириб берди.

Сўзининг охирига:

— Унинг қизининг суратини ишлаб яхши қипсан, ўғлим, ота жуда хурсанд — бутун қишлоқ хурсанд!— деб қўшиб қўйди.

Кимдир дастурхонга фотиҳа тортаётганда, очиқ турган деразадан Муяссар билан шоферга кўзим тушиб қолди. У Муяссарнинг йўлини тўсиб, кўтариб кетаётган чойнакни гўё «ёрдам» бергандай қўлига олди ва кесатгандай гап отди. Мен аниқ эшитолмадим. Фақат қизнинг «сиз менга хўжайин эмассиз!» деганини эшитиб қолдим, холос! Чойнакни

кўтарганича ҳовлида ҳайрон бўлиб шофернинг ўзи қолди. Нарироқдан хотин-қизларнинг кулгилари эшитилди...

Нонуштадан кейин эркаклар тоғ ёнбағридан узоқларга чўзилиб кетган катта пичанзор томон йўл олишди.

Ҳовуз бўйида чақчақлашиб ўтирган хотин-қизлар ҳам сават, яшикларни кўтариб, ўринларидан қўзғала бошладилар.

Бир зумда ҳовли бўшаб қолди. Рўзимат ота ҳам эчкини етаклаб, полиздан ўтиб қаёққа кетиб борарди.

Кўзимга бу манзара жуда ажойиб кўришиб кетди: баланд тоғлар ўртасидаги ям-яшил кичкинагина водийни қоқ иккига ажратиб узоқ тоғлар орасидан, атрофи ям-яшил дарахтлар билан қопланган жарликдан илон изи бўлиб Чирчиқ оқиб келмоқда. Дарёга қурилган осма кўприкдан сават кўтарган хотин-қизлар нариги қирғоққа ўтиб кетишмоқда. Айрим қизлар эса, кўприк ўртасида туриб олиб, оқаётган сувни томоша қилишмоқда, унга нималарнидир отишмоқда. Уларнинг ранг-баранг кўйлаклари эрталабки қуёш нурида тоғ гулларига ўхшаб товланарди. Улар қўшиқ куйлашмоқда. Балки улар орасида Муяссар ҳам бордир, эҳтимол у ҳам куйлаётгандир!..

Мен қўлимга мўйқаламни олиб, бу манзарани тасвирлашга киришдим.

Шу пайт орқадан кимнингдир кинояомуз: — Рассом ака! — деган овози эшитилди. Қаршимда заҳархандалик билан илжайиб турган шоферни кўрдим. Индамадим. У гапини давом этдирди:



— Расмни яхши чизаркансиз! Аммо портрет чизишга келганда, ўйлаб иш қилинг. Рўзимат ота қизининг портретини чизишга ҳаққингиз йўқ!

— Ҳали хўжайинман денг?— дедим ўзимни тутиб туrolмай.

— Ҳа, мен хўжайинман,— у ўдағайлаб, ҳовлини бошига кўтариб юборгудек,— мен сизга кўрсатиб қўяман ҳали қиз боланинг расмини чизишни!— деб этигининг қўнжидаги қизил қинли пичоғини бир қўли билан сал юқори кўтариб ҳам қўйди.

— Сал ўзингизни босинг, дўстим!— дедим.

— Нима? Нима?! Дўстим?— у қўлини бе-

лига тираганича, лабини чўччайтириб менга яқинлаша бошлади. Унинг муштлири тугилган бир қўли гўё ҳозир гарданимга тушиб қоладигандай эди.

Шу пайт булоқ томондан ҳаяжон билан биз томон чопқиллаб келаётган Муяссарни кўриб қолдим. Унинг шарпасини эшитган шофернинг муштлири аста бўшашди, бир қўли белидан тушди. Муяссар афтидан бизни узоқдан кузатиб турган экан шекилли, шофернинг олдида тўхтади-да, унинг гезариб турган юзига тик қараб:

— Нега хафа қиялсан бу меҳмонни? «Ғулом полвон» отим бор деб ҳаммага зўрлик қилаверасанми? Ҳали менга катталик қиласан, ҳали бошқаларга... Яна шундай қилгин, отамга айтаман! Машина-пошинанг билан ҳайдаб юборади, иккинчи Қорабулоққа келмайдиган бўласан,— мен кутилмаган бу ҳолатга ҳайрон бўлиб қараб турардим. Наҳотки Муяссар шунчалик «баҳайбат» Ғулом қаршисида бу сўзларни айтишга журъат эта олса! Аслини айтганда, Муяссар ҳам гавдаликкина қиз эди. Лекин у на кучдан, на катталикдан Ғулом билан баслаша оларди. Ғулом унинг сўзларини итоаткорона тинглаб турди, гапнинг «отамга айтаман» деган жойи унинг раиғини қув ўчириб юборгандай бўлди, у индамай орқасига қайтиб кетди.

Тургун отанинг эрталабки гапига қараганда, «ота» жуда оқ кўнгил, шунинг билан жаҳлдор киши бўлиб, қишлоқнинг кекса, ҳурматли отахони эди. У диндор бўлишига қарамай, колхоз қурилиши йилларида босмачиларга қарши курашда бутун қишлоқни оёққа

турғизган. У янги тузилган колхозга бир неча йил раислик ҳам қилган. Кейинчалик касаллиги туфайли раисликни «Обид пирқа»га топшириб, ўз хоҳиши билан Қорабулоқни гуллатгани бу ерга келган. Унда бир неча орденлар ҳам бор. Лекин тақмайди.

Мен бу гапларга аввал унча ишонмагандим. Лекин энди кўз олдимда колхозчиларга икки букилиб, чой қуйиб узатаётган камтарин, қаҳрамон Рўзимат ота гавдаланди. Ҳа, у ҳеч кимга ўз «қаҳрамонлигини» пеш қилмайди. Ҳар кимни ўз ўғлидай ёки ўз қизидай кўради. Унинг кишиларга қиладиган ҳар қандай такаллуфларига ҳеч ким қаршилиқ қилмайди. Шунинг учун ҳам қишлоқликлар «Уй тўрида меҳмон—Рўзимат ота мезбон» деб бекорга айтишмас экан. Аммо ҳар ким ҳам бу «ота» олдида унинг жаҳлидан қўрқиб эмас, балки ҳурмати учун ўзини итоаткор деб ҳисоблайди.

Ғулом орқасидан узоқ қараб қолдим. У машинасини жаҳл билан тез қайтарди-да, булоқ бўйидаги йўлдан қаёққадир ҳайдаб кетди.

Муяссар менга ялт этиб қаради. Мен ҳам унга қарадим.

— Хафа бўлмайсиз. У шунақа, бир оз қўрсроқ...— деди кулиб.

— У сизга ҳам қўрслиқ қиладимми?— дедим ундан кўз узмай.

— Йўқ, қилолмайди... Бирга 10-синфни битирдик. Илгари менга синфда доим гап отиб юарди. Яқинда совчи юборибди.

— Ие, рости билан-а? Сиз нима дедингиз?— шошиб ундан сўрадим.

— Мен «йўқ» дедим. Отам аввалига меңи анча койидилар, кейин «бор-е, ўзинг билганингни қил!» дедилар... Энди қишлоқда айримлар, мени «қари қиз» деб гап тарқатишаётган эмиш,— у бу сўзларни хафа ва гамгиннамо оҳангда гапирди.

— Уларнинг гапига асло ишонманг,— дедим унга тасалли бериб.

Бирдан унинг кўзи расмга тушиб қолди:

— Вой, мунча яхши чизибсиз-а! Мана бу,— у қўли билан ишора қилиб,— мана бу қизлар!.. Вой, кетиб қолишибди. Мана бу стам, мана бу эчким—«Каримбой», улар ҳам кетиб қолишибди-ку... Буни ҳам менга берасизми? Ўша расмимнинг ёнгинасига илиб қўяман.

Мен «ҳа» дегандай кулиб, бошимни қимирлатиб қўйдим. У жуда севиниб кетди. Унинг бу севинчи худди ёш болаларникидай содда ва эркаланувчан эди.

— Сиз яна яхши жойларнинг расмини чизасизми, мен олиб борсам?!

— Албатта чизаман. Сизни ҳам! Ахир мен шоир эмасман-ку, бир жойда узоқ хаёл суриб шеърлар ёзадиган. Мен тезда у ернинг расмини чизаман-қўяман.

— Шоир ҳам экансиз! Кечаги шеърингиз эсингиздан чиқдими? Қани кетдик.

Биз супа ёнидан ўтиб, ёлғизоёқ йўлдан осма кўприк томон юрдик. Йўлимиз анчагина узоқ бўлганлигидан, мен йўл-йўлакай бир неча манзараларни чизиб олдим.

Кўприкка етай деганимизда Муяссар ёшгина бир туп ўрикни кўрсатиб, уни бешинчи синфда ўқиб юрган пайтида ўзи қишлоқдан

олиб келиб, эрта баҳорда ўтқазганини айтди. Эътирозимга қарамай унинг устига чиқди ва ўриклари қип-қизариб фарқ пишиб турган кичкинагина шохчасини силкитди. Гув этиб майса ўтлар устига тўкилган ўриқларни эта-гига терди ва нарироқдаги ариқчага бориб чайқаб, мени «ўз» ўриги билан меҳмон қилди.

Осма кўприкдан ўтиб кетаётганимизда орқамиздан Фулом етиб келиб қолди ва машинасини нарироқда тўхтатиб, пичинг аралаш кесатганнамо:

— Чарчаб қолманглар! «Олмазор»га бўлса, олиб кетақолай,— деди.

— Яхши бўлади,— деди Муяссар ҳам унга сал пичинг аралаш. Иккимиз машинага чиқдик. Машинанинг баллони ичига худди тош тиқиб қўйгандек қаттиқ эди, унинг устига илон изи тор йўлда соатига юз километр тезликда ҳайдагани ҳаммасидан ошиб тушди. \*Оз-моз ошиғи билан айтганда, машина икки километрча масофани босиб ўтгунча, биз унинг кузовида коптокдек сакраб юрдик.

Мен ичимда: «Роса аламини оляпти» деб ўйлардим.

Машина тоғ ёнбағридаги катта бир олмазор четидаги хирмонга келиб тўхтади. Шофер эшикни жаҳл билан қаттиқ ёпди-да, индамай хирмондаги олма тўлдириб қўйилган яшиклар томонга кетди. У ҳеч кимга қарамасди ҳам. Олма узаётган чиройлигина бир қизчанинг:

— Яшик оз қолди-ку! Нега яшик олиб келмадингиз?— деган саволига ҳам қуруққина:

— Ҳозир қишлоққа бориб олиб келаман. Оссн бўптими?!— деб дўқ ургандай бир қараб қўйди-ю, ўтиб кетаверди.

Мени кўрган хотин-қизлар ҳайрон бўлиб, шивирлашиб Муяссардан нималарнидир сўрар эдилар. Муяссар уларга мени ўзининг қариндоши деб таништирди ва сўзининг охирига:

— Бу киши жуда яхши рассом, сизларнинг ҳам расмларингизни чизадилар,— деб қўшиб қўйди.

Мен табиатнинг ўзи яратган, киши ишончи бовар қилмайдиган бу «Олмазор»ни бир неча соат айланиб томоша қилдим. Ажойиб олма дарахтлари. Уларнинг шоҳларидаги пайванд излари олмазорни «Олмазор» қилгунча Рўзимат отадек кўпларнинг меҳнати синганлигини кўрсатиб турибди.

Бир вақтлар бу ерлар чаңгалзор, киши келса қўрқадиган хилват жойлар бўлган. Энди-чи, олма шоҳлари устида эшитилаётган қизларнинг дилрабо қувноқ қўшиқлари бирдай янграб, узоқ-узоқларга таралади. Колхознинг серҳосил тоғдаги боғларидан бири — «Олмазор» донғи ҳамма ёққа таралиб кетган.

Кеч кирди. Мен бир неча чизган расмларим билан қайтдим. Айрим аёллар эса пичан ўришдан қайтган ўз эрларига яхши пишган олма, ўриклар; қизлар эса қўлларида гуллар билан қайтишди. Машина эрта пешинда кетганича ҳали ҳам қайтмади. Ҳамма қоронғида. Чироқларда ёғ йўқ. Шунинг учун айрим кишилар товуқ шўрвадан сўнг, барвақт ухлашга ётишган: супанинг ярмини уйқуга кетганлар, ярмини чордана қуриб баҳузур гапла-



шиб ўтиришган ёшлар-у, юрагида «ўти» бор айрим кексалар эгаллашган эди. Мен ҳам ухлашга кетганлар қаторида эдим. Уй ичидан дам дутор овози, дам эртақ айтаётган қизлар кулгиси эшитилиб турарди.

Мен кечки мусаффо осмонга қараганимча, кечадан бери бўлиб ўтган воқеаларни эсладим: ғалати, бу тушимми ёки ўнгимми? Наҳотки шундай қисқа вақт ичида-я? Муяссар!.. Наҳотки бу соф муҳаббат!.. Айримлар: «Узоқ синалмаган муҳаббат чин муҳаббат бўла олмайди, енгил-елпи муҳаббатнинг ўзгинаси бўлади», десалар, мен ҳам албатта: «Тўғри, бир кўришдаги муҳаббат ҳеч қачон ҳақиқий муҳаббат бўлолмайди», деб уларнинг ёнини олган бўлардим... Йўқ, йўқ, мен энди муҳаббат нималигини билдим. Бу муҳаббат кеча билан бугун орасида туғилган муҳаббатдир! Мен энди бир кўришдаги муҳаббат хавфидан асло қўрқмаслигим, балки уни ардоқлашим керак, деган қарорга келдим. Бизнинг бу муҳаббатимиз соф муҳаббат бўлиб қолиши керак. Муяссар виждонли қиз! Мен уни кеча ва бугуннинг ўзидаёқ билиб олдим. Демак, бу бизнинг бир кўришдаёқ қалбларимизда илдиз отган улкан муҳаббатимиздир... Уй ичидан ёқимли бир куй янграй бошлади. У қўшиқ ва овоз менга таниш эди, албатта. Лекин бу сафар дуторнинг нозик пардаларида янграётган куй шундай жозибали эдики (албатта менинг ўтакетган бир музикапараст курсдош дўстим шу ерда бўлганда, аллақачон нотага солиб юборган бўларди).

Мен дунёдаги ҳамма нарсани унутиб, бутун борлигим билан уни тинглашга берилган эдим:

Мен сени кутаман ярим тун шабнам,  
Сувлари борлиқни ювган ҳар маҳал.  
Жавоб бер, йўловчи йигит, нега ҳам  
Сен танҳо юрасан йўлда бемаҳал?

Мен сени кутаман ярим тун шабнам,  
Сувлари борлиқни ювган ҳар маҳал,  
Қалбингнинг губорин нима юволган?  
Менга шод боқасан доим эй, гўзал!

Куйнинг охирини қизларнинг олқиши ва қарсақлари босиб кетди. Буни албатта Муясар куйлаган эди.

Ашулани бу ердагилардан фақат мен эшиттаётирман деб ўйласам, ўтирганлар ҳам аллақачон гапни тўхтатиб қўйишган экан. Ашула тамом бўлиши билан улардан мўйловдор бир киши оғзида носи билан:

— Роша асула-канми!—деб орадаги жимликни бузди.

Ёнгинамда ётган, мен аллақачон ухлади деб ўйлаган «Турғун ота» ҳам ёстиқдан сал бошини кўтариброқ:

— Отани қизи худди «аттис» чиқади. «Тажанг айтувди дейсизлар!»—деб қўйди.

## VII боб

Мен мана шундай воқеаларга бой ўн беш кунни ўтказмоқдаман. Бу ажиб кунлар асло эсимдан чиқмайдиган кунлар бўлиб қолади. Қисқа вақт ичидаёқ Рўзимат ота билан жуда иноқ бўлиб кетдик...

Мен колхозчилар билан бирга бу ерда уч-тўрт кун туриб қолдим ва шу қисқа кунлар ичида кўпгина картиналар чиздим. Жумладан, Турғун отанинг портрети ҳам тайёр бўлди. «Қўй ёғи ошга» қистов билан Рўзимат ота инкковимиз бордик. Тоғликлар ҳисобича қишлоқ унча «олис» эмасди. Аммо қишлоқдан қайтишда уч соатча йўл юриб ота билан йўл-йўлакай суҳбатлашиб келдик.

У гап орасида:

— Ота-онангиз ҳаётларми?— деб сўраб қолди... Онам ёшлигимда ўлиб кетганликларини, отамни эса босмачилар ўлдирганлигини эс-эс билишимни айтдим.

Шунда унинг чеҳрасида қандайдир ачиниш аломатлари пайдо бўлди ва менинг елкамга беихтиёр қўлини қўяркан:

— Хафа бўлманг, ўғлим!— деб бир оз сукут сақлаб қолди, кейин:

— Мени ўз отангиз ўрнида кўраверинг. Ҳа, ҳеч уялманг! Менинг сиз каби жуда кўп ўғилларим бор. Улар ҳам айрим пайтларда келиб туришади. Қавикулингизни Қорабулоқда қишлоқдагидан ҳам яхши ўтказишингиз мумкин! Қишлоқнинг ўзидан бу ерга кўпгина кишилар дам олгани келишади!

Мен чолга ташаккур айтиб, ўзим боғбончиликдан ҳам бир оз хабарим борлигини, унга ўқиш бошлангунча шу ерда ёрдамлашиб дам олишимни айтдим.

Биз ғира-шира қоронғи оралаб қолганда булқ бўйига етиб келдик ва ҳовли томондан эшитилаётган шовқун-сўрондан ҳайрон бўлиб қолдик...

Рўзимат ота ҳовлига кириб келиши билан

Ғирт маст Ғуломнинг овози тинчиб қолди. Уни қўлтиғидан маҳкам ушлаб турган икки колхозчи ҳам индамай четга чиқди. Ҳовлини қоқ ўртасида ерга қараганича Ғулом турар, нарироқда хотин-қизлар орасида эса Муяс-сарнинг йиғи овози эшитилиб қолди. Уни айримлар юпатишар, айримлар икки оёғини кериб, ўзини аранг ушлаб турган Ғуломга масхара қилаётгандай ер тагидан кулиброқ қараб туришарди.

— Нима гап,— деб Рўзимат ота жимликни бузди ва Ғуломга жиддий савол назари билан қаради. У индамай ердан бошини кўтаролмай турар эди.

Ота икки-уч марта гапирганда ҳам ўз саволларига жавоб ололмаганидан кейин, орқадан турган кишилардан кимдир:

— Кеча «тажанг» кузда кўмиб қўйган кўзасини очган эди... — деб қолди.

Рўзимат ота сўзини охиригача эшитмади. Шу ондаёқ мастни бетига жирканиброқ қараб:

— Уят сенга! Ҳозирданоқ Қорабулоққа қадамнингни қўймайдиган қилардим-у...— у индамай, супа томонга кетди. Қолхозчилар ҳам унинг орқасидан бордилар. Ўртада қаққайиб ёлғиз Ғулом қолди.

Биз супага бориб ўтиришга улгурмаган ҳам эдикки, машина овози эшитилди. Ғулом машинани қишлоқ томонга ҳайдаб кета бошлади.

— Тўхтатинглар!

— Олдини тўс! Маст ҳолича-я!— деган қичқириқлар ҳамма ёқни қоплаб олди. Ҳангу манг бўлиб қолган эркаклар, аёллар машина

орқасидан қичқиришиб югура бошлашди. Лекин, уни қандай қилиб ҳам тўхтатиб бўларди. Машина анча узоқлашиб қолган эди.

Мен югуриб бориб толда боғлиқ турган оқ отга миниб, чоптириб кетдим. Орадан ўн беш минутлар чамаси ўтгач, машинага яқинлашиб қолдим. Йўл ноқулай — тор, шунинг билан хавфли бўлишига қарамай машина жуда катта тезликда борарди. Унинг ғилдираклари йўл четига териб қўйилган харсангларга урилиб, уларни паст жарликка юмалатиб юборар, баъзан кузов йўлнинг ўнг томонида қириб кетар эди. Шу пайт узоқда ғира-шира ой нурида кўчани тўлдириб келаётган ферма қўйларини кўриб қолдим. Машинанинг чироғи ҳам ёқилмаган. Кечки дим ҳавода қора терга тушиб кетган отга яна кўпроқ қамчи босдим.

Мен ҳар нима қилиб бўлса ҳам машинани «Тагсиз жар»гача етиб бормай тўхтатиб қолишга ҳаракат қилардим. Чунки қишлоқ билан Қорабулоқни бир-бирига улайдиган паст-баланд тоғ этаклари бўйлаб чўзилган йўлнинг бир еридагина анча хавфли қайрилиш бор эди. У ҳам бўлса йўлни қоқ ўртасидан иккига ажратиб турган «Тагсиз жар».

Унинг ёнбағридаги сўқмоққа ўхшаш йўлдан айланиб келиб, яна тўғри йўлга тушиб олиш ҳар қандай шоферга эмас, тажрибали аравакашга ҳам ҳазилакам иш эмас эди.

Жар унча узоққа чўзилмаган бўлса-да, беҳад кенг, шунинг билан туби кўринмас қопқоронғилик бўлиб, у ердан доимо «шов-шув» овозлар эшитилиб турар эди. Бу овозларнинг сабаби Чирчиқнинг бир ирмоғи шу ерда эканлигидир, деб айрим ўқимишли кишилар ай-

тишган. Аммо қишлоқликларнинг бу «Тагсиз жар» ва унинг остидан эшитилаётган «овозлар» ҳақида ажойиб ривоятлари борки, эшитиб оғзингиз очилиб қолади.

Машинага анча яқинлашиб келиб, кузовдан ушладим. Жонивор от ҳам мақсадимни билгандай машинанинг ёнгинасидан бир меёрда чопиб борарди. Шундай қилиб эгардан кузовга ирғиб қай равишда осонгина машинага тушиб қолганимни ўзим ҳам билмайман.

Машина жарликка яқинлашиб келмоқда. Подалар қайрилишда бурилиб кетишди шекилли, кўринмай қолишди. Мен қанча уринмай, кузовдан кабина эшиги олдига тушиб олишим анча қийин бўлиб қолди. Машина эса борган сари катта тезлик билан мураккаб қайрилишга яқинлашиб келмоқда...

Машина кескин бурилди-ю, олд ғилдирак издан чиқиб, қия пастлик томон кета бошлади. Рулга маҳкам ёпишиб олган Фуломнинг қаттиқ қичқириғи «Тагсиз жар» томон қулай бошлаган сон-саноқсиз харсангларнинг кучли «ғулдур-ғулдур»ини ҳам босиб, олисдан акс садолар билан қайтди. Бутунлай шошиб қолган шофер машина бошқарувини қўлдан бериб қўйган эди. Мен эшикни оча солиб тормозга ўзимни отдим. Машина қаттиқ бир силкинди-да, ғилдираклари икки метрча сирғаниб, жарликнинг тик тушган граниг лабгинасига келиб тўхтади.

Кутилмаган бу ҳодиса Фуломни бир оз ўзига келтирди шекилли, уйқудан чўчиб уйғонган кишидай рулдан бошини кўтариб, жарликнинг зулмат қаърига бир қаради-ю, кескин юзини ўгирди. Шу ондаёқ унинг кўзи менга

тушди ва косасидан чиқиб кетгудай очилди. Бақувват қўллари ҳаракатга келиб, елкамдан маҳкам ушлаганича:

— Шу ердамисан?! Нима қилиб юрибсан! Ҳаммаси сен учун бўляпти!— деди-да, машинадан итариб юборди. Мен буни ҳеч кутмаган эдим. Жуда жаҳлим чиқиб кетди. Тезда ўзимни ўнглаб туриб олдим.

Ўмримда ҳеч ким билан уришмаган, ҳатто бирон мушт ҳам емаган эдим. Лекин Фуломнинг бу хатти-ҳаракати шундай жаҳлимни чиқариб юбордики, энди қаршимда унинг қавариб чиққан кўкраклари ҳам, бақувват қўллари ҳам менга бас келолмайдиган кўриниб кетди: гўё менда қандайдир бир илоҳий куч пайдо бўлган-у, уни турган жойидаёқ уриб, сулайтириб қўядигандай эдим. Гезариб турган башарасига тик қараб, яқинроқ келдим.

У машинадан тушди. Мен, мабодо уришиб қолсак, жарликдан нарироқда уришайлик қабилда йўлнинг четидаги катта яланглик томон юрдим. Фулом ҳам орқамдан гандирак-лаб етиб келди.

— Мен сен билан энди гаплашаман. Нега отанинг қизини йўлдан урасан?!— унинг кўзларининг пахтаси чиқар, муштлири эса жағим остида ўйнар эди,— қўлга тушганинг мана шу! Энди шу ернинг ўзида ё сен ўлишинг керак ёки мен!— шу сўз билан аралаш бошимга бир мушт тушириб қолди. Мен ҳам бўш келмай, ўзимнинг ориққина гавдамни унинг устига отиб, қўлларини маҳкам ушлаб олдим. У бир силташ биланоқ мени четга улоқтириб юборди. Ўрнимдан туриб яна яқинроқ келдим. Унга ўзимни отдим. Йўл четида роса

уриш қизиб кетди. У мени мўлжаллаб теп-моқчи ёки мушт билан туширмоқчи бўлар, мен эса кайфи «зўр»лигидан фойдаланиб чап берар, баъзан икки-уч мушт ҳам тушириб қолар эдим. Охири устимга ўзини ташлаб босиб олди. Қовурғаларим аллақачон синиб бўлди деб ўйлаб, жон ҳолатда бор кучим билан уни бир силкиб, юбордим. Маст-мастлигига борди. Гандираклаганича нарироқдаги кичкина жарликка юмалаб кетди.

Мен ўзимни бир оз ўнглаб, атрофимизни ўраб ўтиб кетаётган қўй-қўзиларга кўзим тушди. Улар ҳайрон бўлгандай баъзан тўхтаброқ бизга қараб қўйишар эди.

Шу он рақибимнинг пичоқ қинини нарироққа отиб юборганини кўриб қолдим. Унинг бир қўлида эса, яланғочланган пичоқ турарди. Юрагим шув этиб кетди. Қўйлар энди бизни четлаб ўтиб кетишар эди. Ғуломнинг қизариб кетган кўзлари менга совуқ боқарди. У менга яқинлаша бошлади. Ўзимни ҳимоя қилиш учун уни орқасига ўтиб олишга ҳаракат қилардим.

Тўсатдан: «Барибир жонинг қўлимда!» — деб пичоқни кўтариб қолса бўладими! Қандай қилиб шу нимжон қўлларим билан унинг бақувват билагидан ушлаганимча орқасига итариб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Яна гандираклаб бояги жойга тушди. Шу пайт нима бўлди-ю, унинг қўлидаги пичоқ нарироққа отилиб кетди. Уни тезда ердан олдим-да, қини билан чўнтагимга солдим ва узоқ ўйланиб ўтирмай машинага яқин келдим.

Ғулом бир лаҳза орқамдан қараб қолди



ва аста йўл четидаги катта харсанг устига ўтирди.

Машина ҳайдашни чала-чулпа билишим энди қўл келиб қолди. Уни ўт олдиришдан аввал ҳар эҳтимолга қарши жарлик томонга силжиб кетмаслиги учун тўрт ғилдирак остига харсанглардан териб қўйдим. Кейин машинага газ бериб ниҳоят эҳтиёткорлик билан қияликдан юқорига кўтарила бошлагандим. Сал ҳушёрликни қўлдан бериш биланоқ ҳалокат юз бериши ҳеч гап бўлмаган бу «йўл»дан тўғри йўлга тушиб олгунимча, қўрқувданми ёки кечки ҳавонинг дим ҳароратиданми кўйлагим жиққа ҳўл бўлиб кетибди.

Машинани аста юргизиб келиб Фулом олдида тўхтатганимда, у бошини қўллари орасига олганича ердан кўтармай ўтирарди. Нима учун бундай қияпти билолмадим.

Аввал қўрқдим. Кейин яқинроқ келиб, елкасидан ушлаб турғизмоқчи бўлдим. Индамай ўтираверди. Бир оздан сўнг аста бошини кўтарди. Унинг бу кўринишидан бошқа қаршилик кўрсатишга мажоли қолмагандай эди. Оз-моз қаршилигига қарамай кабинага ўтқаздим. Машина аста юриб кетди. Подачи орақадан ажаблангандек қараб қолди.

Қишлоққа кириб келаверишдаги йўл четида кийимларимни бир оз тузатиб, нарироқдаги ариқ сувида ювиниб олдим. Аллақачон уйқуга кетган Фуломни ҳам бир оз «тартибга» солиб қўйдим.

Эшик олдида тўхтаган машина овозини эшитиб югуриб Турғун ота чиқди. Бўлган воқеани қисқагина айтиб бердим.

— Э боласи тушмагур-ей. Хумни бўшатиб

қўйган бўлса-я!.. Тезроқ! Иш бундай бўлган бўлса, отаси билиб қолса борми, терисига сомон тикади-я! Уйга ётқизиб қўяйлик. Сиз машинани тезда ўша ёққа олиб кетинг,— деди Турғун ота кабина эшигини очаркан, менга овозини пастроқ қилиб.

Мен Қорабулоққа етиб келганимда, машина билан тенг чошиб келиб, ёнгинамда турган оқ отни кўриб ҳайрон қолдим ва уни тизгинидан ушлаб эркалатиб қўйдим. Кўнгиллари алағда бўлиб турган колхозчилар мендан тезроқ бирон янгилик эшитишга ошиқардилар.

## VIII б о б

Мен кўп ўтмай Муяссар расмини қайта илгаригидан ҳам яхшироқ қилиб ишлаб бердим. Аввалгисини ўша куни Фулом мижиғлаб ташлаган экан. Анчадан бери Фулом жуда камдан-кам келадиган бўлиб қолди, келса ҳам тезроқ ишини бажариб жўнаб қолишга ҳаракат қилар эди. У билан қишлоққа борганда икки-уч марта учрашиб қолдик. Аммо менга қовоғини солиб, машинасини тез ҳайдаб ўтиб кетаверди.

Турғун отанинг оқ оти «меники» бўлиб қолди. Узоқ тоғлар орасига расм чизгани борганда уни миниб жўнардим. Баъзан Муяссар ҳам мен билан бирга борарди. Чизиб келган расмларни чол ҳузур билан томоша қилар, Муяссар эса ўзига ёққан энг яхшиларининг шахсан ўзиники эканлигини мендан тасдиқлатиб олар, кейин уй деворларига тартиб билан илиб қўяр эди.

Кўп ўтмай кекса ота ҳам расм ишқибози бўлиб қолди. Айниқса унга яқиндагина қишлоқдан чизиб келган «Электростанция» расми жуда ёқиб қолиб, ўзи туткич-боғич ясаб, катта арава миҳ билан кираверишдаги токчага илиб қўяркан: «Еруғлик яхши нарса» деб кулиб қўйди.

Шундан кейин икки кишилашиб отани тинч қўймадик. «Бўладиган гуноҳ»ни мен ўз гарданимга олдим... Ниҳоят мен Рўзимат отанинг портретини ишлашга киришдим. Икки-уч марта чизганларим, ҳақиқатан унча ўхшамай қолиб, отага ҳам, менга ҳам ёқмади. Охирги бешинчиси дуруст чиқди.

Мана, энди Рўзимат ота ҳам ўзининг портрети учун жой қидириб қолди. Бу бир неча кун ичида ташкил этилган «Галерея»ни жуда камдан-кам киши томоша қиларди: улар ҳам бўлса отанинг бир-икки оғиз сўзига, аччиқ чойига муштоқ йўловчи колхозчилар, баъзан қишлоқдан бу ерга дам олиб кетгани келиб қоладиган мактаб ўқувчиларидан иборат эди.

Сурункасига ўн беш кунчадан бери ғуборсиз бўлиб турган осмонни қора булутлар қоплаб олди. Энди жазирама иссиқ кунлар бир оз ҳароратидан тушиб қолди. Айни пешин пайтларида узоқлардаги тоғ бағирлари иссиқдан ловиллаб ёнаётганга ўхшамай қолди. Икки-уч кун давомида ҳаво салқинлашиб, баъзан ёмғир томчилаб турди. Шу қисқа вақт ичида узоқлардаги тоғ ёнбағирликларини шундай гиламга ўхшаш кўкатлар ўраб олдики, бу ҳодиса ҳатто ўз ишига масъулиятсизроқ қарайдиган баъзи бир табиатшуносни ҳам қизиқтирмай қолмасди.

Рўзимат ота дам ҳавога, дам узоқлардаги кўкатларга қараб:

— Бу чорванинг ризқи,— деб қўярди.

Ҳавонинг бундай келиши менга ҳам анча қўл келди. Қовжироқ ўтлар илдизидан куртак ёзиб, тоғ бағирларини қоплаб олган ям-яшил ўт-ўланлар менинг завқимга илҳом бахш этарди.

Кеча пешиндан сўнг чақмоқ чақиб, момақалдироқ бўлиб турди-да, бирдан бўрон бошланиб, ярим кечагача давом этди.

Азонда, номоздан ҳам олдин чол қишлоққа «сим қоқиб» ҳамма тўкилган меваларни териб олиш учун тезда одам юборишларини сўради.

Эрталаб ҳаво жуда салқин бўлди. Гарчи бўрон ярим кечагача увиллаган бўлса ҳам, ёмғир ёлмаган эди.

Чойдан сўнг Рўзимат ота «Олмазор»дан хабар олгани кетди. Мен дарё оқиб ўтадиган жарликнинг нариги томонидаги унча катта бўлмаган ўрикзорга жўнадим.

Кўп ўтмай орқамдан югуриб келаётган Муяссар овозини эшитиб қолдим.

— Тўхтасангиз-чи! Кечаси билан момақалдироқ бўлди. Роса қўзиқоринлар чиққан. Бирга териб келамиз.

Бу фаслда қўзиқоринлар чиқмаслигини билсам-да, у билан бирга бўлишни истадим.

Мен анча олдинлаб кетиб қолганлигим учун у келгунча кутиб турдим.

Биз манзилга етиб келганимизда, қуёш аста нур таратиб булутлар орасидан мўралай бошлаган эди. Ўриклар шамолда синмаган, аммо олтиндай сарғайиб пишиб турган, муштдай-муштдай мевалари гўё бутун ўрикзорга



сап-сарик чойшаб ёйиб кўйгандай ер билан битта бўлиб тўкилиб ётган эди.

Кўзиқоринлар бу ерда ҳам чиқмаган экан. Кўп қидирдик, тополмадик. Охири Муяссарнинг таклифи билан бир оз олисроқ бўлса-да кўзиқоринлар кўпроқ чиқадиган «Қайнарбулоқ»қа жўнадик.

Бу ернинг кўзиқоринларидан ҳам, табиати кўпроқ мени ўзига мафтун этди. Улкан тоғлар орасида жойлашган бу кичкинагина водийда яқиндагина қайта гулга кирган чучмўмалар ва турли-туман тоғ гуллари гўзал бир манзара кашф этган эди. Водийнинг қоқ ўртасидаги қуриб қолган баҳайбат «Камхастак» дарахтини ҳисобга олмаганда, кичкина ёлғизоёқ йўл четидаги булоқ бўйида кўкариб турган мажнун толлар ва у ер-бу ердаги олча дарахтлари бу жойни ҳуснига ҳусн кўшиб турарди.

Муяссар ҳам кўзиқоринни унутиб алвондай очилиб ётган гуллардан теришга киришиб кетди. Унинг юпқагина чит кўйлак этагини эсаётган юмшоқ ел тортқилаб ўйнаганда нозиккина кўкраги янада аниқроқ балқиб кетар, қоп-қора сочлари эса чиройли бели узра чарх урар эди. Айниқса бу пайт у мени кўзимга ҳар қачонгидан ҳам гўзалроқ кўриниб кетди. У менга тоғлар орасидаги гўзал чаманлар водийсидан шоирларга илҳом бахш этиш учун саралаб гуллар тераётган афсонавий гўзал Музани эслатар эди.

Мен унинг расмини ишлашга киришдим. У менга қараб куйлай бошлади. Унинг соф қалбидан отилиб чиқаётган кўшиқ оҳанглари, шу гўзал сиймони тасвирлаш учун юрагимни

эгаллаб олган илҳом тугёни билан ҳамоҳанг эди.

Анча вақт ўтганини ҳам сезмабмиз. Шу пайт узоқдан биз томонга от чоптириб келаётган кишига кўзим тушиб қолди. У борган сари биз томонга яқинлашиб келарди. Отлиқ кишини тезда танидим — бу Фулом эди.

У отни ярим йўлда тўхтатди-да, бизга қараб:

— Тезроқ қочинглар! Тезроқ! Ҳозир сел бошланади!— деб бақира бошлади.

Ҳақиқатан ҳам ҳаво шу қисқагина вақт ичидаёқ ўзгариб кетган эди. Юмшоқ ел дағал шамолга айланиб, нарироқдаги «Камхастак»нинг қуруқ шохларини аста тебратар, тол барглари эса астагина нималарнидир шивирлашар эди. Бир лаҳзадаёқ ҳамма ёқ қоп-қора булутлар билан қопланди. Ёмғирдан дарак берувчи нам шамол эса бошлади. Чақмоқ чақди. Бундай тоғ районларида қаттиқроқ ёғингарчилик бўлиши билан сел бошланишини мен ҳам яхши билардим.

Муяссарнинг расми битган ҳисобда эди. Мен унинг тагига «Оқшом қўшиқлари» деб ёзиб қўйдим-да, мўйқаламларни тезроқ йиғиштириб этюдникка жойладим.

Муяссар жала ёғиб қолса ҳам йўлимиз хавфсизроқ бўлиши учун «Олмазор»га элтadиган тоғ ёнбағридаги ёлғизоёқ йўлдан бошлади. Биз «Олмазор»га етиб келишимиз билан томчилаб ёғиб турган ёмғир дўл аралаш жалага айланиб кетди. Жала худди осмондан челақлаб сув ағдараётгандай бўлиб ёғар эди. Бирпасда тоғдан оқиб келаётган дўл сувлари ариқларни тўлдириб, шиддат билан жарлик

томон оқа бошлади. Йўлимиз қалин тупроқ бўлгани учун бир он ичидаёқ тизза бўйидан лой бўлиб кетди. Йўл юришимиз анча қийинлашиб қолди. Кийимларимиз шалаббо бўлиб кетган, муздай дўл сувлари эса баданга игнадай санчилар эди. Муяссар совуқдан титрар, сирачдай ёпишқоқ бўлиб кетган лойдан эса оёғини аранг кўтариб босар эди. Мен уни қўлтиқлаб олдим, айрим жойларда опичладим ҳам.

Шу алпозда ярим соатча йўл юриб осма кўприкка етиб келдиг-у, ғалати манзарани кўриб қолдик: дарё кўприкка тегай-тегай деб шиддат билан оқяпти. Дарахтларни илдизпилдизи билан қўпориб келаётган сув аждаҳодек олдинга ташланарди. Кўприк ўртасида олма юкланган машина бўлиб у дам-бадам лапанглаб турарди. Машинани қаеринидир шошиб-пишиб очаётган Фуломнинг кўзи бизга тушди-да, «Тезроқ ўтиб олинглар!» дегандай қўли билан ишора қилди. Мен қўлимдаги расмни, этюдникни шошиб кузовга қўйдим-да, Муяссарни кўприкнинг нариги бетида ташвиш билан Фулом ишини кузатиб турган аёллар олдига ўтказиб қўйиб, Фуломга ёрдам беришга келдим. Моторга сув кириб қолган эди. Уни очиб тозалагунча вақт кетади. Дарёда сув борган сари кўтарилиб, қирғоқни емира бошлаган, жала эса роса авжига чиққан эди. Ниҳоят икки кишилашиб, кутгандагидан ҳам тезроқ моторни тозалашга муваффақ бўлдик. Аммо машина юриши хавфли бўлиб қолган эди. Кўприк тўлқин кучлари билан яна қаттиқроқ лопиллар, баллон остларидан эса шиддатли сув оқиб ўта бошлаган эди.



Ғулом кабинага ўтирди. Мен ручкани айлантирдим. Машина тезда ўт олди. Кабина ичидан шофернинг хахолаб кулиб юборган овози эшитилди. Мен келганимдан бери биринчи марта уни кулаётганини кўрдим.

Ғулом усталик билан машинага газ берди, Бироқ, ғилдирак энди уч метрча олға силжиган эдики, сув тўлқинлари урилиши натижасида кўприк бир томонга оға бошлади. Ғилдираклар орқага айланиб кетди. Кўприкни икки томонига бетон билан маҳкамланган столбалар қайрилиб, хода бириктирилган икки сим шартта узилиб тушди. Машина кема каби сувга чўка бошлади. Ҳамма бақриб юборди. Эндигина нариги участкадан етиб келган эркаклар ҳам саросимада нима қилишга ҳайрон бўлиб қолган эдилар. Қўлимдаги ручка билан ўзимни сув устида дам чўкиб, дам кўтарилиб турган машинага отдим. У кузовидан ўртадаги йўғон симга илиниб қолган эди. Мен бундан эпчиллик билан фойдаланиб кабинани олд ойнагини синдирилдим, холос. Шу дақиқа сим узилиб машина қалқиб оқа бошлади. Мен уни орқасидан унча кўп сузмаган эдимки, икки метрча нарида чўкиб бораётган Ғуломга кўзим тушиб қолди. Унга яқинлашиб келишим билан жон ҳолатда қўлимдан маҳкам ушлаб олди. Анча қийинчиликлар билан уни қирғоққа олиб чиққанимда, ҳушсиз ҳолда эди...

## IX боб

Мана энди мен ҳам қишлоқ касалхонасида «соғломман!»— деганимга қарамай докторлар бу ерга олиб келишган. Қўлим, қандай-



дир дарахт илдизига тегиб, бир оз шилиниб кетган экан, холос.

Ғулом менинг ёнгинамда ётибди. У икки кундан бери анча яхши. Дам-бадам менга кулиб қараб қўяди, баъзан кечирим сўрагандай бўлади.

Эрталабдан бери бизни кўргани келганларнинг сон-саногии йўқ. Мана яна эшик очилиб, оқ халат кийган уч киши кириб келишди. Мен уларнинг учовини ҳам жуда яхши танийман. Рўзимат ота, Муяссар, колхоз раиси Миркомиллов.

Раис таклифи билан ҳамширалар менга шу кунёқ жавоб беришди. Ахир ўзим ҳам соппа-соғ эдим-да!

Мен Ғулом билан вақтинча хайрлашарканман, эрталаб азонда Турғун ота ташлаб кетган катта тарвузни каравот тагидан олдим-да, иккига бўлиб «коса» қилдим ва устига пичоқни санчиб, уни олдига суриб қўйдим. Ғулом уялиброқ кулиб қўйди, ётган жойидан сал бошини кўтариб, яна: «Кечирасиз мени, дўстим!»— деди.

Шу пайт ёшгина ҳамшира қиз қаердандир пайдо бўлиб «яна бошингизни кўтаряпсизми?»— деб дўқ қилди. У кейинги пайтларда Ғуломга кўпроқ дўқ қиладиган бўлиб қолган эди. Лекин бу дўқларда қандайдир нозу карашмалар, эркаланишлар яширинганлиги билиниб турарди. Мен ҳамшира қиз қалбида анчадан бери Ғуломга нисбатан мойиллик мавжуд эканлигини, касал бир оз тузалиб, кўзини очган биринчи, иккинчи кунлариёқ сезиб қолган эдим.

Ахир қайси ёш ҳамшира қизлик қалбила

бўйдоққа ўз қўли билан овқат едиради дей-сиз! Аммо у бундай қилмади. Фуломни гўё ёш болани тарбиялагандай қараб «катта» қилди. Қасалхона ходимлари ҳам уни бундай «меҳ-рибончилиги»га таажжубланишмас эди.

Аста-секин Фулом қалбида унга нисбатан мойиллик куртаги уйғона бошлади. Бу кеча мендан ҳамшира қизнинг портретни бир амаллаб вақт топиб ишлаб беришимни илти-мос қилганида, айниқса аниқ билиниб қолди.

Мен кўрпага ўралиб олган Фуломга қараб:  
— Албатта сенга портретни ишлаб бериш учун яна бу ерга келаман,— дедим-да, хайр-лашиб чиқиб кетдим. Ҳамшира орқамдан «кў-рамиз!»— деб кулиб қараб қолди.

Мени ташқарида бояги келганлар кутиб туришарди. Биз машинада кечки ишдан бар-вақтроқ қайтиб келаётган уч-тўрт колхозчи ва Турғун отани олиб Қорабулоққа жўна-дик. У ерда бизни «қишлоқда ягона пазанда» кампир тайёрлаётган овқатлар кутарди. Ўз ўғли — Фулом ҳаётини қутқариб қолганлигим «шарафи»га раис Миркомилов томонидан берилган зиёфат ярим кечагача чўзилди.

Муяссарнинг расми жала ёққан куни ма-шинада этюдник билан оқиб кетгандан бери ўтаётган кунлар мен учун жуда қизиқарсиз ва зерикарли туюла бошлади. Қасалхонадан қай-тиб келганимдан сўнгги икки-уч кун ҳаммаси-дан ўтиб тушди. Турғун ота «нос чекмаса туrolмаганидек», мен ҳам бўёқсиз бу ерда туrolмадим. Шунинг учун шаҳарга тушиб чиқишга аҳд қилдим. Жўнаётган куним эрта-лаб Рўзимат ота:

— Энди сиз менинг ўғлимдай бўлиб қол-

дингиз. Икки-уч кунда ишларингизни тезроқ битириб, тўғри шу ерга келаверинг! Ҳали ўқишга анча бўлса керак!— деб қўйди.

Муяссар булоқ бўйига келганда бораркан, мени кўзи қиймаётгандай, юзимга узоқ тикилиб қолди. Мен ҳам унинг юзига, кўзларига бир лаҳза қараб қолдим. Гўё орада ўтадиган уч-тўрт кунлик жудоликни мен мана шу қарашим лаззати билан қондирадигандай. Иккимиз бир-биримизга ҳеч нима гапиролмасдик... Ниҳоят у кўзларини мендан яширдида, ерга қараганича:

- Қачон келасиз?— деди.
- Уч ёки тўрт кундан кейин.
- Ростданми?
- Ростдан!

Дастлаб ана шу булоқ бўйидаги ёнғоқ тагида учрашган эдик, худди шу ерда ажралишдик.

## Х б о б

Мана энди орадан тўрт кун эмас, ўнлаб кунлар ўтяпти. Ўз берган ваъдамни кечиктиришга мажбурман... Бунинг сабабини Муяссарнинг ўзи ҳам яхши билса керак. Ахир у анча ақлли, тушунадиган қиз-ку! Балки энди у билан бир неча ойдан кейин ҳам эмас, бир неча йилдан кейин учрашамиз. Балки...»

Шу ерга келганда дафтар тамом бўлган эди. Мен уни қизиқиб ўқиб чиқдим. Ўзим адабиётга бир оз ихлосманд бўлсам ҳам, аслида машҳур композиторлар ҳаётини олиб ёзилган китоблардан бошқа, ёзувчи ёки шоирларнинг асарлари мени унча қизиқтирмас эди.

Шеър, ҳикояларни камдан-кам ўқир эдим. Баъзи вақтларда ўқиб қолсам ҳам, уларда гўё бутун адабиётдаги янгиликларни кузатиб турувчи танқидчидек, бирон персонажни «бўшроқ» тасвирланган ерини топиб олиб, дарров танқидий фикр юритишга ошиқар эдим.

Лекин, мен ўз дўстимнинг ҳаётида бўлиб ўтган бу воқеаларни тасвирлаб улгурмаган ҳикоясига бирон танқидий фикримни айтишдан ожиз эдим. Чунки мен ажойиб «Оқшом қўшиқлари» куйини ҳали эшитганимча (балки бу ҳикояни ундан бошқа бирон нотаниш киши ёзганида, ошириб-тошириб юборилган лирика-парастлик деб қўя қолган бўлар эдим) йўқ, шунинг билан мен Пўлат каби табиатга санъаткорона кўз, шоирона юрак билан қарай олмайман. Буларни фақат у ўз кўзи билан кўрган, воқеаларни қаҳрамони бўлган ва қисқа вақт ичида эсдалик равишда уларни дафтарга кўчириб ёзган.

Орадан бир неча ой ўтди. Кундузи заводда ишлаб, кечаси ўқийман.

Ишдан чарчаб келардим-да, эшикка қоқиб қўйилган почта яшигини қарардим. Одатдигдек бугун ҳам яшик бўш эди. Хафа бўлиб кетдим. «Бетховен»нинг давомини ўқий бошладим... Мана, у ижодининг гуллаб турган, айни новқиронлик даврида, ҳеч нимани эшитмайдиган бўлиб қолади. Аммо ҳаётининг бундай даҳшатли даврлари унинг темир иродасини буколмади. Ажойиб асарлар яратди. Лекин уларни ўзи эшитишдан маҳрум.

«Тақдир эшикни келиб қоқади»<sup>1</sup>. У қанча ваҳимали бўлмасин, ҳаёт эшикни қоқаётган тақдирнинг ҳар қандай қийинчиликларига бардош беришга тайёрдай ҳукмрона бонг уради.

Шу пайт кимдир аста эшикни қоқди.

Мен каравотда оёғимни узатиб ётганимча китобдан кўз узмай, қўшни хоналардан бирон кишидир деб ўйладим-да, «кираверинг!»— дедим.

Эшик аста очилди. Остонада менга жуда ҳам таниш бўлиб қолган «Оқшом қўшиқлари»нинг қаҳрамони турарди.

Мен дам ўтмай ўрнимдан туриб: «Марҳамат, келинг Муяссар!»— деб ичкарига таклиф этдим.

Совуқдан бўлса керак, унинг лўппигина икки юзи қип-қизариб кетган, қўллари эса бир оз титрар эди. Мен эндигина ёна бошлаган печкага стулни яқинроқ қўйдим. У ўтириб бир оз исина бошлади. Кечагина деворга мен илиб қўйган Пўлатнинг «Булоқ бўйида» картинасига узоқ қараб қолди. Унга бирон нима ҳақида ҳали гап очмадим. Тез-тез стол устида тартибсиз сочилиб ётган китобларни йиғиштириб уни меҳмон қилмоқчи эдим, лекин қаттиқ эътироз билдирди ва бирдан ниманидир эслаб қолгандай:

— Вой шўрим! Кечирасиз, уйингизга тўғри кириб келаверибман! Пўлатжонни танийсизми? У киши бу ерда сиз билан турганларми?!— деб шошиб сўрай бошлади.

Мен унинг икки саволига бирдан:

---

<sup>1</sup> «Тақдир эшикни келиб қоқади» — Бетховеннинг шу ном билан аталган машҳур 5-симфонияси.

— Ҳа, танийман! У билан бирга турганмиз, мен акасиман, — дедим.

— Акасиман?!— у кулиброқ менга савол назари билан қараб қолди.

— Нега ўйланиб қолдингиз! Туғишган акаси бўлмасам ҳам, ундан ортиқроқ. Пўлат-жон менинг энг яқин дўстим. Мен сизни ҳам жуда яхши биламан,— шу пайт шкафдан «Оқшом қўшиқлари»ни олиб, илгариги ўрнига — қозиққа илиб қўйдим.

У ўз расмига шундай гўзал табассум билан кулиб қарадики, гўё мен ўзимни, аксини ойнада кўраётган Муяссар олдида тургандай ҳис этдим. Бу гўзал табассум, бу нозик кулги картинага ҳам усталик билан сингдириб юборилган эди. Муяссарнинг жавдировчи кўзларидан қишлоқ қизларига хос гўзаллик, соддалик аниқ акс этиб турса-да, у бир оз шўхроқ кўринарди. Картина остидаги мисраларни худди куйлаётгандай, шўх кулги билан ўқиб чиқди.

Мен, унинг эътирозига қарамай, тайёрлаган чойга таклиф этдим. У стол ёнига ўтираркан, расмдан кўз узмай:

— Яқинда бир хат олгандим; унда сизнинг ҳақингизда анча ёзибдилар ва албатта «Оқшом қўшиқлари»ни бориб кўр, дебдилар. Нима учундир хат бошқа қўл билан ёзилган эди. Сиз ҳам оляпсизми?!

Бутун борлигимни бир лаҳзадаёқ турли хаёллар чулғаб олди... «Демак, Пўлат Муяссарга аниқ воқеани ёзмабди. Балки қизнинг ёш қалбига гулғула солишни раво кўрмагандир... Ахир қачонгача буни сир сақлаши мумкин. Балки шундай қилгани ҳам яхшироқдир!





Ахир тез кунда тузалиб кетар... Ёки охирги хати бўлса-я!» Барибир менда воқеани сир сақлашдан кўра, тўғрироғини айтиш туғёни зўр келди. Қиз мечга ҳали ҳам савол назари билан қараб турарди.

Бошқа ўйлашнинг вақти ўтган эди. Шартта ўрнимдан туриб, бир ойча бурун Пўлатдан олган хатимни олдига қўйдим. Муяссар ҳали хатни ўқиб улгурмаган ҳам эдики, хонага ха-фаҳол почтальон кириб келди ва қўлимга «қора хат» берди.

Икки кутилмаган хабарни эшитган Муяссар бошини қўллари орасига олиб ҳўнг-ҳўнг йиғлаб юборди.

Қиз бола қаршисида менинг ҳам кўз ёши қилишим ноўрин бўлса ҳам кўзларимдан қуйилиб келаётган ёшни тўхтата олмадим. Юрагимни бир нима сиқиб келаётгандай ўпкам тўлиб кетди — беихтиёр ҳўнграб юбордим! У ҳам йиғлади. Мен ҳам. Қанча вақт ўтганини билмайман. Охири Муяссарга далда бергандай бўлдим.

Мана, кўчаларда онда-сонда кўриниб қоладиган кишилардан бошқа ҳеч ким йўқ. Ҳамма ҳам, ҳамма ёқ ҳам сукунатда: юраклардаги шодликни ҳам, кўчалардаги гавжум ҳаётни ҳам уруш ютиб юборгандай... Мен деразани очдим. Хонага аччиқ изғирин аралаш муздай қиш шамоли кирди. Узоқда ёлғиз кетаётган Муяссарга кўзим тушди. У бошини эгганича расми бағрига босиб бормоқда. Расмда тасвирланган қўшиқ куйлаётган нозик лаблардан энди йиғининг мунгли овози эшитиларди, шаҳло кўзларидан эса тинимсиз ёш томчилари оқарди. Нозик еллар ўрнида,

гуллар дастасини яксонлаб совуқ изғирин эсарди...

У қишлоқдан бу ерга ўз расмини кўриш учун қандай севинчлар билан келган эди. Энди эса-чи...

Айримлар ўз севгиларини кўпчилик олдида ошкора изҳор қилиб, кўз-кўз қиладилар!.. Аммо мен бугун ана шундай севги «юрагидан қайнаб-тошмаган» марҳум дўстим Пўлат ва оддий бир қишлоқ қизи қалбида қандай кучли муҳаббат мавжуд эканлигини аниқ билдим!!

Уларнинг бу соф муҳаббатини қонли урушдан бошқа ҳеч қандай қудратли куч бузолмаган бўларди.

*Шундай экан, порлоқ келажак учун ўз маъшуқасини танҳо қолдириб, жон берган ошиқни унутиб, улар мадҳини куйламай бўлармиди?!*

*Шундай экан, бир вақтлар бахтли ҳаётимизнинг қўриқчилари бўлиб, жон фидо қилган кишилар ҳаётини қуйловчи асарларга «чайналган — эскилик» деб баҳо бериб, замонавийлик талаб қиладиган ҳар қандай танқидчига нафрат кўзи билан қарамай бўладими!!*

## XI б о б


Мен Пўлатнинг «Оқшом қўшиқлари»ни урушнинг дастлабки йилларидаёқ матбуотда чиқаришга ҳаракат қилиб кўрган эдим. Аммо бўлмади. У пайтларда ҳамма газета-журналлар ҳарбийлаштирилган — фашизмга қарши қаратилган эди.

Урушдан кейин ҳам кўп ҳаракат қилиб

кўрдим. Яна бўлмади. Кўпгина муҳаррирлар «ҳикояда мақсад йўқ, унинг устига воқеа тугалланмай қолган, шунинг учун босолмай-миз», дейишди.

Шундан сўнг бу ҳикоя асосида каттароқ бир музика асари ёзишга ҳаракат қилиб қолдим. Мен нима учундир, авваллари ўзимни бундай мушкул ишни бажаришга қурбим етмайдигандай ҳис қилардим. Айниқса бундай «ҳиссиёт» аввал асарни нимадан бошлашимга узоқ бош қотирган пайтларимда пайдо бўлиб, баъзан умидсизликка солиб қўярди. Аммо бўш келмадим. Тинимсиз бирон «туртки» қидирдим. «Туртки» ҳам бўлавермади. «Тоғ манзаралари илҳом бахш этса ажаб эмас», деган умид билан, дўстим ўз ҳикоясида тасвирлаган Қорабулоққа яқин жойда янги очилган бир санаторийга дам олишга жўнадим.

Кунлардан бир куни кечга яқин айланиб юриб хаёл билан узоқдаги бир ўрикзорга бориб қолибман, тўғрироғи, мени бу ерга қандайдир ашула оҳанги етаклаб келтирган эди.



Урикзор ўртасида бир неча қизлар ўрик те-ришмоқда. Улар дам кулишар, дам телада ўрик қоқаётган қизнинг қўшиғига жўр бўлишар эди. Худди ўша қўшиқнинг ўзи!

«Мен сени кутаман ярим тун шабнам...»

Мана, шу қўшиқ менинг бўлажак асарим-га «туртки» бўлди...

Кўпларнинг айтишларига қараганда бу қўшиқни билмайдиган қишлоқда бирон ёш-яланг йўқ эмиш! Аммо уни ким тўқиган, ҳеч ким билмасди...

Кўпгина воқеаларни ўз ичига олган аса-римда, шунинг учун ҳам энг аввал тоғ этак-ларисидаги гўзал водийлар манзараси, кечқу-рун ишдан қайтаётиб шўх дарё бўйида чўми-лаётган қишлоқ қизларининг оҳанрабо куй-лари ва соф муҳаббат қўшиқлари янграйди. Кўп ўтмай улар ўрнини мунгли марсия эгал-лаб, даҳшатли фронт манзараси намоён бўла бошлайди: чийиллаб учиб келаётган ажал ўқ-лари орасида «Олға! Ғалаба!» деб жон бера-ётган азамат йигитларимизнинг овози эши-тилади. У овозлар асло, ўлим билан тўқнашиб айтилаётган овозга ўхшамай, балки қаттиқ-роқ, янада даҳшатлироқ эшитилади... Кўп ўт-май у билан узвий равишда, қандайдир бир қувончли куй эшитила бошлайди, бора-бора у бутун борлиқни қоплаб олади ва тантанали янграйди. «Башариятнинг порлоқ келажаги ғалаба қилади!»<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> «Башариятнинг порлоқ келажаги ғалаба қи-лади!» — Рабиндранат Тагор; буюк адибнинг фашист босқинчиларига қарши айтган сўзи.

## XII боб

Бу ҳикоядан хабардор бўлган танқидчилар «ўзгартиш» масаласида лом-мим демай қолишди.

Орадан кўп йиллар ўтиб кетди. Ижодий ишлар билан ўралашиб қолиб, деярли ҳаёт қолган ўз қаҳрамонларим тақдири билан қизиқмай қўйгандим.

Лекин, мен қанчалик банд бўлмай, жамоатчилик томонидан уюштириладиган тантанали кечаларда «таклиф билети» олиб иштирок этмасликни жуда ёмон одат деб билардим ва ҳар қандай кечаларда қатнашишга қўлимдан келганича вақт топишга ҳаракат қилардим. Шунинг билан, ўзим анча «обрўли киши» бўлиб қолган бўлсам ҳам, умумий жойда ўтиришни яхши кўраман. Шу сабабли залнинг ўртарағидан ўзимга бир жойни эгаллайман. Бугун ҳам шундай қилдим. Кеча Совет Армиясига бағишланганлиги учун одатдагидан кўпроқ ҳарбий кишилар келишган эди. Кўп ўтмай залда чироқ ўчиб, президиумда бир неча кишилар пайдо бўлишди. Қотмадан келган полковник кечани очиқ деб эълон қилганда, бутун театр залини гулдурос қарсақлар босиб кетди. Шу дақиқада ёнимдаги икки бўш жойга бир аёл, бир эркак келиб ўтирганини сезмай қолибман. Эркак киши гарчи ҳарбий кийимда бўлмаса ҳам, костюми устидан кўкрагига қатор қилиб тақиб олган бир неча Ватан уруши орденлари саҳнадан тушиб турган электр нурларида ярақлаб турарди. Унинг ёнгинасида ўтирган аёл эса, эндигина тилга кира бошлаган боласини тиззасига ўтқазиб

олган эди. Бола дам-бадам орденли кишига талпиниб, ёқимли паст овоз билан «адда-адда» деб қийқириб қўярди. Ёнимдаги киши болани эркалатиброқ қўлига олди. Шу заҳотиёқ унинг забардаст қўллари устига оёғини қўйиб турган чақалоқ нозик қўлчалари билан орденларни жиринглатиб ўйнай бошлади.

Тантанали бўлимдан кейин залда чироқ ёнди. Қўплар ташқарига чиқишди. Айримлар ёнларидаги таниш-билишлари билан концерт бўлими бошлангунча эрмак учун гаплашиб ўтиришар эди.

Мен ҳам ёнимдаги орденли кишига ўзимни, гўё Ватан уруши фронтларини барини беш бармоқдай биладиган кишидек қилиб кўрсатиб:

— Қайси фронтда бўлгансиз, дўстим? — дедим.

У менга қараб, қошини чимириб, жавоб бераётганида ёнидаги аёл юзини аниқроқ кўриб қолдим. У ўғлини эмизиб, суҳбатимизга қулоқ солаётгандай диққат билан бизга қараб ўтирарди. Мен шубҳасиз аёлни танидим! Бу Муяссар эди! Орадан ўтиб кетган бир неча йиллар унинг гўзал чеҳрасига нифоқ солишга улгуролмаган! Аммо у мени танимади...

Қаердан ҳам танисин. Ўн икки йил-а! Мени у кўрганда келишган, оддий чиройлигина йигит эдим. Энди эса бошларим тепакал бўлиб, қуёш нури тушса, бошқалар кўзини қамаштирадиган бўлиб қолган. Юзларимга оралаган ажинлар бутунлай чеҳрамни ўзгартириб юборган. Маданий томондан ҳам жуда ўзгариб кетганман. (Суҳбатлашаётганда шляпани кийиб олдим). Кийимлар башанг! Шу-

нинг учун бўлса керак, суҳбатдошим мен билан тортиниброқ гаплашарди. Шу пайт бизнинг суҳбатни яктаги устидан қатор орденлар тақиб олган оппоқ соқолли, кўринишидан бардамгина кекса чол овози бўлиб юборди. У:

— Фуломжон, ўғлим! Биз ташқарини айлағаниб келамиз,— деди.

Суҳбатдошим «Яхши!»— дегандай бош қимирлатиб қўйди.

«Фуломжон»,— бу сўзни ўз ичимда бир такрорлаб қўйдим-да, чолларга хос мулойимлик билан қўлидаги чақалоқни эркалатиб кўтариб бораётган киши орқасидан бирдам қараб қолдим. Унинг ортидан ўз фарзандига меҳр билан кўз тикиб, аста қадам ташлаб Муяссар борарди.

— Кечирасиз, у киши Рўзимат ота эмасми?!— деб бирдамгина ўртада ҳукм сурган жимликни буздим.

— Танир экансиз!— суҳбатдошим мулойимлик билан жавоб берди-да, жилмайиб кулиб қўйди.

— Сизни ҳам қаердадир кўрганга, отингизни эшитганга ўхшайман, — дедим.

— Балки шундайдир. Тоғлик қишлоқда бўлганмисиз?

Мен бош чайқадим ва уруш бошланмасдан бир неча кун олдин яқин бир дўстим у ерда бўлгани, менга кўпгина ўша қишлоқ кишилари, айниқса қизи билан Қорабулоқда яшаган Рўзимат ота ҳақида сўзлаб берганлигини айтдим.

— У дўстингиз рассом эмасмиди?

— Ҳа, ёш рассом эди.

— У менинг ҳам яқин дўстим эди! Тани-





6-4355

шиб қўяйлик!— биз қўл қисиб сўрашиб ол-  
дик,— гарчи ҳозир орамизда йўқ бўлса-да,  
'албатта менинг унутилмас дўстим бўлиб қо-  
лади. Лекин,— у нимадир ўйлаб, бош чайқаб  
қўйди-ю, тўлқинланиб сўзини давом этдира  
бошлади,— бу уруш кўпларнинг бошини еди...  
Отам колхозда раис эди... Биз ҳам кўплар  
қатори кўнгилли бўлиб иккимиз урушга жў-  
надик. У раисликни Рўзимат отага топширди.  
Фронгда ота-бола бир полкда туриб жанг  
қилдик. Дастлабки жанглардаёқ, мен оғир  
яраланиб, госпиталга келдим. У ерда ўз қиш-  
логимиз ҳамширасини учратиб қолсам бўла-  
димми! У ҳам кўнгилли бўлиб фронтга келган  
экан. Мени кўриши биланоқ йиғлаб, маҳкам  
қучоқлаб олди. Қўйинг-чи, кечаси билан ёним-  
дан жилмади. Ўз бошидан кечирганларини  
битта ҳам қўймай ҳаммасини айтиб берди.

Бир куни эрталаб, кечаси келтирилган  
ярадорлар ичида рассом дўстимизни кўриб  
қолибди. Лекин унга ҳеч ёрдам беролмабди.  
Фақат уни оғзаки айтиб турган икки дона ха-  
тини қоғозга кўчириб, бу ёққа жўнатибди,  
холос. Врач етиб келгунча дўстимиз кўз  
юмибди...

Бир куни «тетапоя» қилиб юрадиган айрим  
ярадорларни очиқ ҳавога олиб чиқишди. Мен  
ҳам бир оз юра оладиган бўлиб қолгандим.  
Ташқарида баҳор: ёқимли кўкатлар иси тин-  
май анқир эди. Эшикдан чиқишим билан яра-  
ларнинг қўланса ҳиди димоғимдан бир оз  
нари кетгандай бўлди. Тўйиб-тўйиб нафас  
олдим... Қўлтиқтаёқ билан кўкатлар оралаб  
анча узоққа кетиб қолибман. Оёқларим ости-  
да эндигина очилаётган қандайдир нотаниш

барра ўтлар барқ уриб турарди. Оғриққа ҳам қарамай бир оз энгашиб ҳамқишлоқ ҳамширамиз Галия учун гуллардан бир қўлтиқ тердим. Аммо шу пайт йиртқич ҳайвонлардай бўкириб, осмонда бир неча свастика белгили фашист самолётлари пайдо бўлиб қолди-ю, ер қаттиқ ларзага келди: ўзимни кичик чуқурчага отдим ва бир ондаёқ осмонда учиб юрган <sup>1</sup> госпиталь устунларига кўзим тушди. Кўп ўтмай у ерда ағдар-тўнтар бўлиб кетган катта майдон ҳосил бўлди. Галияга атаб терган гулларим қўлимда қолди... Мен уни гўё тирик топиб оладигандай узоқ қидирдим. Тополмадим. Фақат қишлоғимиз косиблари тикишган Галиянинг чиройлигина бир пой ўзбекча кавушини анча наридан топиб олдим, холос.

Кечга яқин санитар машинаси келиб, соғ қолганларимизни бошқа госпиталга олиб кетди. Шундай қилиб кўп ўтмай тузалиб қолдим. Яна жангга жўнадим. Сал кам тўрт йил жанг қилдик. Охири Берлин кўчаларидаги қаттиқ олишувларнинг бирида ўқ еб яна госпиталга келдим. Раҳматли отам билан бошқа учрашмадим. Урушнинг охириги кунларида қишлоққа ўзим ёлғиз қайтиб келдим. Кейин анча давланиб қўлтиқтаёқсиз юрадиган бўлиб қолганимдан сўнг, қишлоқликлар раисликни менга юклашди. Кўпчиликка нима ҳам деярдим!.. Ҳозир раисман...

## Э П И Л О Г

Муяссар етиб келиб энди ўтирган эдики, чироқ ўчиб, парда очилди. Саҳнадаги оркестр менинг «Оқшом қўшиқлари»мни чала бошлади. Ғулом бутун борлиғи билан музыкага қулоқ солар, Муяссар эса қандайдир ҳаяжон ичида саҳнага тикилган, ҳатто қўлидаги боласини ҳам унутиб қўйган эди. Унинг лаблари пичирлаётгандай туюларди. Гўё ўша қўшиғини яна куйлаб юборадигандай...

Бир зумда шўх куйлар ўрнини даҳшатли фронт манзараларини акс этдирувчи мунгли музыка эгаллаб олди: ана, чийиллаб учиб ўтаётган ажал ўқларининг овози барала эшитилмоқда. Улар қанчалаб кишиларимизни ҳалок этмоқда. Аммо ҳалок бўлаётганда ҳам матонатли кишиларимиз «Олға! Ғалаба!»—деб қичқирадилар. Бу қудратли, бардам руҳ билан айтилаётган хитоблар ҳеч ҳам ўлим олдида айтилаётган хитобга ўхшамайди, балки янада даҳшатлироқ эшитилади... Шу он бирдан қаттиқ портлаш менинг қаҳрамонимни оғир ярадор қилди. Унинг қўллари снаряд парчалари билан бирга учиб кетган... Госпи-

таль манзараси... Қаҳрамон оғир ҳолатда: ўлим билан ҳаёт жанг қилмоқда. Охири ёвуз ўлим ғолиб чиқади, ёш шоир юраги уришдан тўхтайдди. Энди унинг устида Муза тинимсиз фарёд чекмоқда. Ахир, у даҳшатли ажал олиб кетган машҳур шоирлар ҳаёти учун йиғлаган бир пайтда, ҳазон бўлган ёш шоирнинг гунча умрига фарёд чекмай қолармиди! Унинг йиғиси янада қаттиқроқ эшитила бошлади. Гўё Муза билан бирга бутун мавжудод ўлимнинг қора ҳукмига қарши исён кўтарган эди...

Шу пайт Муяссарнинг қўлидаги чақалоқ (бундай қўрқинчли ваҳимадан) бирдан қаттиқ чинқириб йиғлаб юборганини эшитдим. Она ўғлини маҳкам бағрига босди-да, аста залдан чиқиб кетди...

Концерт ярим кечада тамом бўлди. Биз Фулом билан суҳбатлашиб ташқарига чиқдик. У менга концертда энг биринчи ижро этилган «Оқшом қўшиқлари»дан айниқса қаттиқ таъсирланганлигини айтиб:

— Уни бошланиш оҳанги бизнинг колхоз қизлари куйлаб юрадиган қўшиққа ўхшаб кетади,— деб қўйди.

Мен ҳам сўз орасида ҳазилга яқинлаштириб:

— Айбга буюрмайсиз. Энди биз бир-биримизга жуда яқин бўлиб қолдик-ку! Муяссар сизни хотинингиз эканлигига шубҳам йўқ. Лекин сиз бу куйни уни ўзи куйлаганда бирон марта эшитдингизми?— деб сўраб қолдим.

У бир оз кулиброқ «йўқ» дегандай бош чайқади.

Биз ташқарига чиққанımızда аллақачон

автобусга ўтириб олган колхозчи йигит-қиз, жувонлар қий-чув билан суҳбатдошимни кутиб олишди.


У бирон кун мени албатта ўз уйига меҳмон бўлиб боришимни, агар рози бўлсам ҳозир машинада тўғри олиб кетишини айтди.

Мен ташаккур изҳор қилиб, уникага яқин кунларда бориб қолишимни айтдим. У мен билан қуюқ хайрлашди ва устига «Служебний» колхоз «Победа» деб ёзиб қўйилган автобус кабинасига ўтираркан, деразадан бошини чиқариброк яна:

— Кўришгунча хайр, тезроқ бир айланиб боришга ҳаракат қилинг!— деб қўйди.

Деярли анча кеч бўлиб қолганига қарамай, Тошкентнинг кенг, чиройли шинам кўчаларида машиналар ҳаракати ҳали ҳам гавжум эди. Фулом ҳайдаб кетаётган машина ҳам улар ичига қўшилиб кетди. Мен унинг орқасидан узоқ қараб қолдим...

*Наманган—Тошкент 1962 й.*



*На узбекском языке*

**ДАДАХОН НУРИ**

**ВЕЧЕРНИЕ ПЕСНИ**

*Издательство „Ёш гвардия“ — Ташкент — 1964*

*Муқова ва титул Д. Файзирахмоновники  
Расмларни Р. Левицкий чизган*

*Редактор Н. Назаров  
Расмлар редактори К. Назаров  
Техн. редактор Т. Раҳимов  
Корректор М. Азимбоева*

Босмахонага берилди 14/IX 1963 й. Босишга  
рухсат этилди 8/1 1964 й. Формати 70x90<sup>1/2</sup>.  
Босма листи 2,75. Шартли босма листи 3,2.  
Нашр. листи 3,2. Р 02901. Тиражи 20000.

„Ёш гвардия“ нашриёти,  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома  
№ 84—63.

„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“ ва  
„Ўзбекистон Сурх“ бирлашган нашриётининг  
босмахонаси. Тошкент, „Правда Востока“  
кўчаси, 26. 1964 й. Заказ № 4355. Баҳоси 10 т.

Ўз 2  
Н 87

Нурий Дадахон.  
Оқшом қўшиқлари. Лирик повесть. Т.  
«Еш гвардия», 1964.  
88 бет. Тиражи 20.000.

Нури Дадахон. Вечерние песни.